Коммунистлар билан партиясизларнинг мустаҳкам блоки номзодлари учун овоз берамиз

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 138 (2427).
ШАНБА
15 июнь, 1974 й
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТКНИНГ ОРГАНИ

ҲАММА САЙЛОВГА!

ҲАММА НАРСА ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ УЧУН, СОВЕТ КИШИСИ УЧУН

Сайловчиларнинг Л. И. БРЕЖНЕВ билан учрашуви

Бизнинг мамлакатимиз СССР Олий Советига сайлов кунини меҳнатда шонли ғалабалар билан, экономика ва маданиятни ривожлантиришда янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқда. Ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, зиёлилар, бутун совет халқи КПСС Марказий Комитетининг СССР барча сайловчиларига, гражданларига Мурожаатини баланд руҳ билан жанговар ҳаракат программаси сифатида қабул қилдилар. Партиянинг Мурожаати омманинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратининг қудратли тўлқинини вужудга келтирди. Тўққизинчи беш йиллик топшириқларини, мамлакатимизда коммунистик қурилиш планларини бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини янада кучайтириб юборди.

Бўлиб ўтган сайловолди йиғилишлари партия билан халқнинг мустаҳкам бирлигини янада зўр куч билан намойиш қилди, совет кишилари Коммунистик партиянинг, унинг ленинчи Марказий Комитетининг, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг доно ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан маъқуллаётганлигини ва қизғин қўллаб-қувватлаётганлигини яна ва яна бир марта кўрсатди.

«КПССнинг халқ манфаатларидан бўлак манфаатлари йўқ, меҳнаткашларнинг бахт-саодати ва фаровонлигидан бўлак мақсади йўқ. Совет кишилари ўз партиясига ишонадилар, партия ҳам шу ишончга муносиб бўлиш учун ҳамма ишни қиляпти», — дейилади КПСС Марказий Комитети Мурожаатида.

Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Бауман сайлов округи сайловчиларининг 14 июнь куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида сайлов олди йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш СССР Олий Совети депутатлигига номзод, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев билан учрашувга бағишланди.

Йиғилиш иштирокчилари Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев ўртоқларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Ишлаб чиқариш илғорлари, Москва, пойтахтнинг Бауман ва Сокольники районлари партия, совет, жамоат ташкилотларининг вакиллари улар билан бирга президиумга чиқдилар.

Сайловолди йиғилишини КПСС Бауман район комитетининг биринчи секретари В. Н. Макеев очди.

Пойтахтнинг Бауман ва Сокольники районлари меҳнаткашлари учун, барча москваликлар учун бугунги кун қувончли, шоду-хуррамлик кунидир, деди у. Биз ССР Иттифоқи Олий Совети депутатлигига ўз номзодимиз — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев билан учрашямиз.

Совет кишилари депутатларни халқ манфаатларини ифода қилувчи ваколатли мўътабар намояндалари деб биладилар, деди нотиқ. Шунинг учун ҳам улар давлат ҳокимияти органларига энг яхши кишиларни, Ватанимизга, совет халқига, коммунистик идеалларга ўзининг чексиз садоқатини фидокорона меҳнати билан, самарали ижтимоий фаолияти билан амалда исбот қилган, шу идеалларни амалга ошириш учун тинмай қурашишга тайёр бўлиб турган кишиларни сайлайдилар.

Бутун совет халқи сингари москваликлар ҳам СССР Олий Совети депутатлигига биринчи номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневни кўрсатдилар.

Меҳнаткашлар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларини ва Сиёсий бюро аъзолигига кандидатларни, КПСС Марказий Комитети секретарларини Совет ҳокимияти олий органи депутатлигига баланд руҳ билан номзод қилиб кўрсатдилар. Ишчилар синфининг, колхозчи деҳқонларнинг, совет зиёлиларининг, Совет Армияси ва Флоти жангчиларининг энг яхши намояндалари ҳам депутатликка номзод қилиб кўрсатилди.

Нотиқ Бауман сайлов округидан мамлакатнинг олий қонун чиқарувчи органи депутатлигига рўйхатга олишга розилик берганлиги учун Л. И. Брежневга барча сайловчилар номидан самимий ташаккур изҳор қилди.

Биз, деди нотиқ сўзини давом эттириб, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежневни Коммунистик партия ва Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби сифатида яхши биламиз. Коммунизмни муваффақият билан қураётган мамлакатимизнинг эришган ютуқларида Леонид Ильич Брежневнинг роли жуда катта.

Л. И. Брежнев Совет жамияти тарихий тараққиётининг боришини олдиндан кўриш, партия билан халқ олдида турган сиёсий, иқтисодий ва социал проблемаларни ҳал этишга чинакам илмий ёндашиш, энг асосий вазифаларни белгилаб олиш, диққат-эътиборни ҳал этилмаган проблемаларга сафарбар этиш, олдимизга қўйилган мақсадларга эришиш учун самарали воситаларни қидириб топиш маҳоратига эгадир. Л. И. Брежневнинг докладлари, нутқлари ва мақолаларида коммунистик қурилишга ва мамлакатнинг ташқи сиёсатига раҳбарлик қилиш соҳасида партия тўплаган тажриба жамланган, илмий коммунизм назарияси масалалари ишлаб чиқилган, ривожланган социалистик жамият шароитида ташкилий-партиявий ва идеология иши практикаси умумлаштирилган. Бу нутқлар ва мақолалар марксча-ленинча назарияни ижодий ривожлантириш намунасидир.

Бизнинг партиямиз, унинг Марказий Комитети, ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюро коммунистик қурилишнинг янги босқичига мувофиқ бўлган тобора мураккаб вазифаларни илгари сурмоқда ва ҳал этмоқда. Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленумидаги нутқи бунинг ёрқин мисолидир. Партия иқтисодий сиёсатининг Л. И. Брежнев ишлаб чиққан энг муҳим проблемалари коммунистик қурилишнинг назарияси ва практикасига қўшилган жуда катта ҳиссадир.

Партияда ва мамлакатда вужудга келтирилган осойишта, ишчанлик муҳити, кадрларга ҳурмат билан муносабат, уларга нисбатан талабчанлик билан боғлаб олиб борилаётганлиги, деб таъкидлади В. Н. Макеев, коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажаришга ёрдам бермоқда. Мана шуларнинг ҳаммасини биз ишда ленинча услуб деб атаймиз. Худди мана шундай услуб Леонид Ильич Брежневнинг кўп қиррали жўшқин фаолияти учун характерлидир.

Бизнинг партиямиз, халқимиз ўртоқ Брежневни омма билан чамбарчас боғланган, омманинг тажрибаси ва билимига таянувчи, кишиларни бирлаштириш, уларнинг куч-ғайратини навбатдаги вазифаларни ҳал этишга йўналтиришдек қимматли маҳоратга эга бўлган талабчан раҳбар, меҳрибон мураббий, сезгир инсон деб билади.

Л. И. Брежнев халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатида, қардош социалистик мамлакатлар ҳамдўстлигида жуда катта обрўга эга, деб таъкидлади нотиқ. Коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг учрашувлари ва кенгашларида унинг сўзлаган нутқлари, назарий ва амалий фаолияти жаҳон коммунистик ҳаракатини жиддий ривожлантириш учун, социалистик ҳамдўстликни янада мустаҳкамлаш учун қурашда муҳим принципиал роль ўйнайди.

КПССнинг XXIV съездидан кейин ўтган давр халқаро ҳаётнинг мураккаб муҳим проблемаларини изчиллик билан, синфий позицияда туриб ҳал этаётган совет ташқи сиёсатининг катта муваффақиятларга эришуви билан нишонланди. «Совуқ уруш»дан кескинликни юмшатиш сари, ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини барқарор қилиш сари бориш давом этмоқда. Ялпи тинчликни сақлаб қолиш истиқболлари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Экономика, фан, техника, маданият соҳасида узоқ муддатга мўлжалланган ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликнинг асослари яратилмоқда.

Халқаро муносабатларда бирбирига ишонч ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратишда КПСС Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасини, тинчлик ва халқлар дўстлиги ленинча сиёсатини, инсониятни янги қирғинчилик уруши хавфидан халос қилиш сиёсатини ғоят донолик, ғайрат ва сабот билан амалга ошираётганлиги жуда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Нотиқ сайловчиларнинг фикр-зикрини ифодалаб, барча совет кишилари сингари москваликлар ҳам тинчлик учун, бутун инсониятнинг порлоқ келажаги учун атоқли курашчи Л. И. Брежневга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти берилганлигини зўр мамнуният билан ва ғоят маъқуллаб кутиб олдилар, деди.

Бауман сайлов округининг меҳнаткашлари, деди В. Н. Макеев, бўлажак сайловни баланд сиёсий руҳ билан ва меҳнатда ғайрат шижоат билан кутиб олмоқда. Беш йилликнинг тўртинчи, белгиловчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа кенг авж олди. Москваликлар меҳнатда ташаббускорлик кўрсатиб, зарб зарбалари иш билан Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлашга аҳд қилиб, шу билан партиямизнинг ленинча йўлини тўла яқдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликлари ва маъқуллаётганликларини ёрқин намойиш қилмоқдалар.

Москваликлар халқимиз тўғрисида, аҳолининг турмуши ва маишати тўғрисида партия Марказий Комитетининг доимо меҳрибонлик қилаётганлигини сезиб турибдилар, деб давом қилди нотиқ. Пойтахт бизнинг кўз ўнгимизда ўз қиёфасини ўзгартирмоқда, меҳнаткашларнинг моддий турмуши ва маданий савияси ўсмоқда. Бауман округи аҳолиси ўртасидагина шу йиллар мобайнида 60 мингдан ортиқ киши янги уйларга кўчиб чиқди. Ўнлаб мактаблар, касалхоналар, болалар муассасалари, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат корхоналари қурилди. Мана шу муваффақиятларнинг ҳаммасини биз КПСС Марказий Комитети билан ҳукуматнинг доимий эътибори натижаси деб биламиз. Бу ишларда бизнинг депутатимиз Леонид Ильич Брежневнинг шахсан хизмати жуда катта.

Нотиқ ишонч билдириб айтдики, 16 июнда барча сайловчилар Леонид Ильич Брежнев учун, коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун яқдиллик билан овоз берадилар, шу куни совет кишилари ўзининг мустаҳкам бирлигини, жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукумати тевирагида янада мустаҳкам жипслашганлигини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатади.

В. Н. Макеев Бауман сайлов округининг барча сайловчилари номидан, барча москваликлар номидан Л. И. Брежневга партия Марказий Комитети Бош секретари лавозимида бундан буён ҳам самарали ишлашни, сиҳат-саломат бўлишини ва коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда, социалистик ҳамдўстликни, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатини янада жипслаштиришда, тинчлик ва халқлар бахт-саодати учун курашда янги катта муваффақиятларга эришувини тилади.

АТЭ-2 заводининг ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори ишончли вакил А. Н. Афанасьев йиғилиш аҳлига Леонид Ильич Брежневнинг партия, давлат ва жамоат фаолияти тўғрисида батафсил гапириб берди.

Мен, номзоднинг ишончли вакили сифатида шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, совет халқи Леонид Ильич Брежневни партия қарорларини ва улуғ Ленин васиятларини амалга ошириш учун изчил ва матонатли курашчи деб биладилар, Л. И. Брежневнинг ҳаёт йўли партияга ва халққа хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир, деди А. Н. Афанасьев.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимида ишлаб, ленинчи Марказий Комитет тевирагига жипслашган қарийб ўн беш миллионли коммунистлар партиясининг талантли раҳбари эканлигини кўрсатди.

Л. И. Брежнев коммунистик қурилишнинг улуғвор планларини амалга ошириш, партиянинг ленинча ички ва ташқи сиёсат йўлини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида жуда катта иш олиб бормоқда. У партия олдида, халқ олдида юксак масъулият намунасини кўрсатмоқда. У ғоят буюк ташкилотчилик қобилиятига, жамиятимиз тараққиёти проблемаларини ҳал этишга чуқур илмий ёндашиш, совет кишиларининг ҳаётини билиш, партиявий принципиаллик ва талабчанлик, халқ бахт-саодати тўғрисида тинмай меҳрибонлик қилиш фазилатларига эгадир.

Биз истиқболимизга комил ишонч билан қараймиз, деди А. Н. Афанасьев. Биз партиямиз, унинг Марказий Комитети ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюро Совет давлати экономикаси ва маданиятини янада ривожлантиришнинг туб масалаларини дадиллик билан ва ижодий ишлаб чиқаётганлигини кўриб турибмиз.

А. Н. Афанасьев Бауман сайлов округининг барча сайловчиларини 16 июнда бўлажак сайловда СССР Олий Совети депутатлигига муносиб номзод — Леонид Ильич Брежнев учун овоз беришга чақирди. Номзодимиз ўртоқ Л. И. Брежнев учун, коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериб, биз жонажон Коммунистик партиямизнинг ленинча сиёсати учун, КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун овоз берган бўламиз.

Шундан кейин Бауман номидаги Москва олий техника билим юртининг ректори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Г. А. Николаев, «Большевичка» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси В. С. Гриднева, «Главмосстрой»га қарашли «Мосэлектромонтаж-2» трести комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи, ВЛКСМ XVII съезднинг делегати Н. Н. Селезнев, Сокольники районидаги 366-мактаб директори, рус тили ва адабиёти муаллимаси Т. П. Зайцева сўзга чиқдилар.

Нотиқлар ўз сўзларида СССР Олий Советига бўлажак сайлов совет халқининг Коммунистик партияга, унинг ленинчи Марказий Комитетига чексиз садоқатининг янги ёрқин намойиши бўлади, деб таъкидладилар. Нотиқлар қатъий ишонч билдириб айтдиларки, Бауман сайлов округининг барча сайловчилари 16 июнь куни коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун яқдиллик билан овоз берадилар. Бу блокнинг мустаҳкамлигини замон ва ҳаётнинг ўзи исбот этган.

Ўртоқ Л. И. Брежнева сўз берилади. Йиғилиш иштирокчилари уни ўринларидан туриб давомли, гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Ҳурматли ўртоқлар!
Азиз москваликлар!

Сайловолди кампанияси пировардига етай деб қолди. Миллионмиллион сайловчилар ўз номзодлари билан учрашдилар, улар билан одамларни қувонтираётган ва ташвишлантираётган масалалар тўғрисида гаплашдилар. Бу учрашувлар партия билан халқ метиндек бирлигининг, жамиятимиздаги барча синфлар ва социал группалар, улуғ мамлакатимизда яшовчи ҳамма миллатлар ва элатлар бирлигининг қудратли намойишига айланди. Бу — кишига илҳом беради, ўртоқлар, бу — коммунизм қурилишининг белгиланган марралари йўлидаги янги-янги ғалабаларга ишонч бахш этади.

СССР Олий Совети депутатлигига менинг номзодимни кўрсатганлигингиз учун сизларга, пойтахтнинг Бауман ва Сокольники районлари барча меҳнаткашларига чин кўнгилдан миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органида меҳнаткашлар манфаатларига вакиллик қилиш салкам чорак асрдан бери менга ишониб топширилмоқда. Ҳозирги учрашув каби сайловолди учрашувида еттинчи марта нутқ сўзлаётирман.

Очиғини айтсам, бунга ўрганиш, нутқ сўзлаш арафасида кишини чулғаб оладиган ҳаяжонга бартараф қилиш амримаҳол. Масъулият туйғуси, билдирилган ишонч учун, кўрсатилган шараф учун чуқур, астойдил миннатдорчилик туйғуси кишини шундай ҳаяжонга солади.

Бу ерда менинг шаънимга кўпгина яхши сўзлар айтилди. Келинглар, даставвал шу сўзларни мени ўстириб, тарбиялаган ва 45 йилдан бери мени бағрига олиб турган Коммунистик партияга айтилган сўзлар деб, мамлакатни Ленин йўлидан коммунизм сари бошлаб бораётган партия Марказий Комитетига айтилган сўзлар деб ҳисоблайлик.

Қадимий, яхши анъанага кўра, биздаги сайловолди учрашувлари амалий характерда ўтади. Шу учрашувларда ҳамиша сайловчиларнинг наказлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида, партия сайлов арафасида эълон қилган сиёсий платформанинг мазмуни тўғрисида жиддий гаплашиб олинади.

Ўтган сайлов арафасида КПСС Марказий Комитети совет халқига мурожаат қилиб, партия коммунизмнинг бундан буёнги ғалабалари йўлида, ер юзида тинчлик йўлида, ҳар бир совет оиласининг ҳаётини яхшилаш йўлида, ҳар бир совет кишисининг бахт-саодати йўлида Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш учун қураш олиб борадиган, деб таъкидлаган эди.

Ҳа, ўртоқлар, ҳамма нарса инсоннинг бахт-саодати учун, халқнинг бахт-саодати учун. Шу қисқа оддий сўзларда жуда чуқур маъно ва Коммунистлар партияси фаолиятининг мақсади ифодаланган.

К. Маркс билан Ф. Энгельс шу улуғ мақсадни кўзлаб, инсонни жабр-зулмнинг ҳамма формаларидан озод қилишга даъват этилган илмий коммунизмга ва қудратли сиёсий ҳаракатга асос солдилар. Шу улуғ мақсадни кўзлаб В. И. Ленин Большевиклар партиясини барпо этиб, чиниқтирди. Россия пролетариати шу партия раҳбарлигида зафарли Социалистик революцияни амалга оширди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб, партия, давлат меҳнаткаш инсоннинг аҳволини яхшилаш учун ўша пайтда мавжуд бўлган ҳамма имкониятлардан фойдаланишга интилдилар. Аммо мамлакатимизда социализмни қарор топтириш қийин бўлди. Биз узоқ вақтгача омон қолиш учун, мушкул аҳволдан қутулиш учун курашдик. Бизнинг асрий қолоқликни бартараф этишимизга, йирик индустрияни барпо этишимизга,

(Давоми иккинчи, учинчи бетларда).

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ XIV ЧАҚИРИҚ V СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети депутатларга маълум қиладики, 1974 йил 20 июнда соат 15.00 да Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг мажлислар залида (Ўзбекистон кўчаси, 9-уй) меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советининг XIV чақириқ V сессияси чақирилади.

Сессия қўйидаги масалалар муҳокама қилинади:

1. Шаҳарда капитал қурилишининг ҳозирги аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида.

2. Шаҳар Советининг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига тайёргарлик бўйича қабул қилган тадбирларини амалга оширишда Тошкент шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш Бош Бошқармасининг ишлари тўғрисида.

Депутатларни рўйхатга олиш сессия ўтказиладиган жойда 1974 йил 20 июнь соат 14.00 дан бошланади.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ

Тонгги газеталарда

★ **КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби Юрий Владимирович Андропович олтмиш ёшга тўлганлиги муносабати билан қизғин табриклайдилар.**

★ Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги давлат хавфсизлиги комитетининг раиси ўртоқ Юрий Владимирович Андроповга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериб, Ленин ордени ҳамда «Урок ва Болгаз» олтин медали топшириш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг фармони эълон қилинган.

СИФАТ ВА УНУМДОРЛИК

Бугун

грампластинкалар заводи коллективининг ишчи календарида 1974 йилнинг июли.

СССР Олий Советига сайловлар куни шарафига бошланган меҳнат вахтаси муваффақият билан якунланди — асосий буюмлар ишлаб чиқариш ва маҳсулот реализацияси бўйича ярим йиллик план муддатидан илгари бажарилди.

Сайлов арафасида корхона мутахассислари прессформаларда грампластинкалар ишлаб чиқаришнинг янги методини жорий қилдилар. Натижада пластинкалар ишлаб чиқариш сифати анча яхшиланди, меҳнат унумдорлиги 1,5 баравар ўсди, кўплаб ҳом ашё иқтисод қилинди, маҳсулот ишлаб чиқариш технология цикли кескин камайди.

Бутун коллектив токарь Саидазим Эшонхўжаевни ҳукуматнинг олий мукофоти — Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Зинанда Лагутинани эса «Ҳурмат Белгиси» ордени билан табриклади. Байрам арафасида СССР Маданият министрлигидан пресслочи Ольга Борецкалга ва гальванчи Людмила Шегайга «Ўз кабининг устаси» фахрли унвони берилганлиги ҳақида гувоҳнома келди. Уларнинг календарли ҳозир 1975 йилнинг охири, яқин вақт ичида улар шахсий беш йилликни бажарганлиги ҳақида рапорт бердилар. Прессчи Р. Қудратова, В. Махнанова, Р. Дюмаева, М. Ляпина, Н. Моисеева ва бошқалар ҳам беш йиллик шахсий план — топшириқларини бажариш арафасидалар.

Коллектив биринчи ярим йиллик планини муваффақият билан бажариб, июль ойи ҳисобига 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга сўз берди.

ҲАММА НАРСА ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ УЧУН, СОВЕТ КИШИСИ УЧУН

(Боши биринчи бетда).

миллион-миллион кишиларнинг саводини чиқаришимизга, мутахассис кадрларни вояга етказишимизга тўғри келди. Бизнинг жуда машқатли урушни бошдан кечиришимизга ҳамда минглаб янги корхоналар, агро саноат комплекслари ишга туширилди. Бир қанча янги электр станциялар, жумладан Красноярск ГЭСи, янги иссиқлик ва атом станциялари сингари улкан нурхоналар ишга тушириларганлиги ўзларингизга маълум. Фан-техника тараққиёти туфайли юзага келган бир қанча мутлақо янги ишлаб чиқаришлар барпо этилди.

Аммо партия эришилган натижа билан ҳеч қачон қаноатланиб қолмайди. У коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг бутун диққат-эътибори ва куч-ғайратини ҳал этилмаган проблемаларга ҳамиша қарата беради. КПСС Марказий Комитетининг пленумлари, шу жумладан сўнгги, 1973 йил декабрь Пленуми ҳам масалага худди шундай ёндашди.

Пленум беш йилликнинг учинчи йилида экономиканинг ҳамма тармоқларида катта муваффақиятларга эришилганлигини қайд қилиш билан бирга бутун диққат-эътиборни «танг жойларга», мавжуд резервлардан янада тўлароқ фойдаланиш зарурлигига қаратди. Бу гап, жумладан, озиқ-овқат, енгил саноатга ва «Б» группасининг бошқа тармоқларига таалуқлидир, бу тармоқларнинг ўсиш суръатлари ҳозирча бизни қаноатлантирмаётир.

Пленумда 1974 ва 1975 йилларнинг тошпиқлари анча мураккаб эканлиги, аммо улар бажарилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Бунинг йўли — ҳамма кучларни сафарбар этишдан, хўжаликка раҳбарликни яхшилашдан, серунум меҳнат қилишдан, интизом ва уюшқоқликни оширишдан иборат. Биронта иш куни ҳам, бирор иш соати ҳам зое кетмаслиги лозим.

Декабрь Пленумининг қарорларини партия билан халқ бажонидил маъқуллаб кутиб олганликлари ва қўллаб-қувватлаганликларини Марказий Комитет мамнуният билан қайд қилади. Бутун мамлакатда социалистик мусобақанинг янги тўлқини мавж урди. 1974 йилда пландан ташқари 5 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариш мажбурияти олинди. Орадан беш ой ўтиши билан оқ, саноатимиз 3 миллиард сўмликдан кўпроқ пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқарди. Халқимизнинг Зарбдор меҳнати деб шуни айтадилар.

Энди 1974 йилни ва умуман беш йилликни муносиб равишда якунлаш вазифаси олдимизда турибди. Азиз москваликлар, сизлар билан бирликда, бутун совет халқи билан бирликда биз бу вазифани уддалай оламиз ва албатта уддалаймиз, деб қатъий ишонч билдиришга ижозат бергайсизлар.

Ўртоқлар! Партия жамиятни ривожлантириш йўлларини белгиланида шу кунинг талаб ва эҳтиёжларига ҳам, шунингдек анча олисдаги мақсадларни ҳисобга олишга, биз мамлакатимизни аср охирида қандай қиёфада кўрмоқчи эканлигимизга ҳам асосланади.

Ҳар бир беш йиллик жамиятимизни ривожлантиришдаги сезиларли одимдир. Аммо ўнинчи, таъбир жоиз бўлса, юбилей беш йиллиги алоҳида ўрин олади. Бунда планлаштирилаётган ва табиий равишда анча юқори бўладиган заҳарларнинг кўламинигина назарда тутаётганимиз йўқ. Шуниси ҳам борки, партия XXIV съездининг кўрсатмаларига мувофиқ янги беш йиллик план халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1976 —1990 йилларга мўлжалланган бош перспективаси билан бирга тайёрланмоқда ва унинг таркибий қисми бўлиб қолади. Бунинг маъноси шуки, КПССнинг навбатдаги XXV съезди ва янги чақириқ СССР Олий Совети шунчаки галдаги беш йиллик планни эмас, балки коммунистик қурилиш йўлидаги муҳим босқичлар бўлиб қоладиган ва чинакам программ аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни муҳокама қилиб, қабул этадилар.

Бу планлар иш жараёнида бўлган ҳозирги пайтда миллий даромадни, маҳсулотнинг у ёки бу турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга доир конкрет рақамларни айтиш ҳозирча жоиз эмас. Модомики, бу планлар партия сиёсатининг, партия қарорларининг мустаҳкам негизида тузилаётган экан, уларнинг йўналиши қандайлиги мутлақо равшан. Бу ҳақда жуда аниқ-равшан гапириш мумкин.

Мамлакат хўжалигини ривожлантиришнинг узоқ муддатли йўли меҳнаткашлар фаровонлигини янада анча ошириш сиёсати билан белгиланишини партия XXIV съезди таъкидлаб ўтди. Партия Марказий Комитети номидан сизларни ва сизлар орқали барча совет кишиларини ишонтириб айта оламанки, ўртоқлар, партиянинг бу принципал йўл-йўриғи қатъият билан давом эттирила беради.

Перспектив планларга коммунистик қурилишнинг кўпгина йирик проблемаларини ҳал этиш негизи қилиб олинади, бу эса коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш йўлидан анча олға силжиш ва халқ турмушини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш имконини беради.

Бунда гап ишлаб чиқарувчи кучларни ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисида, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва шу асосда бутун экономиканинг самарадорлигини ошириш ҳақида бораётир. Янги жуда катта халқ хўжалик комплексларини барпо этиш ишлари кучайтириб юборилади.

Биз ҳозиринг ўзидаёқ шу йўлдан бормоқдамиз. Ғарбий Сибирдаги жуда бой нефть ва газ конлари ўзлаштирилмоқда. Камада автомобиль гиганти қурилмоқда. Байкал—Амур магистралина ётқизишга киришилди. Байкал ортидаги ва Узоқ Шарқдаги жуда катта районлар шу магистрал туфайли обод этилади. Россиянинг қора тупроқли бўлмаган зонаси экономикасини юксалтириш келгуси беш йилликларнинг катта иши бўлади, бу зонада салкам 60 миллион киши яшайди. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бундай кўламдаги қайта ўзгартишлар тарихда мисли кўрилмаган, — ҳали мен бу ўзгартишларнинг баъзиларинигина тилга олдим. Бу ўзгартишлар Ватанимиз қиёфасини кўп жиҳатдан ўзгартириши ва бойитиши лозим.

Халқ хўжалигининг тез ўсиши энг муҳим социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш учун янги имкониятларни яратиб беради.

Келажакдаги уч беш йиллик давомида биз юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларининг, халқ истеъмол молларининг тўла мўл-кўлчилигига, маиший хизматни кенг миқёсда ривожлантиришга ва аҳолининг реал даромадларини тегишли равишда кўпайтиришга эришишимиз лозим.

Биз ўзимизнинг узоқ муддатли планларимизда бепоён мамлакатимиздаги кўпчилик шаҳар ва қишлоқларни реконструкция қилишни назарда тута оламиз. Айни вақтда ҳар бир оилани шинам квартира билан таъминлашдек жуда мураккаб вазифа ҳам ҳал этилади. Бу вазифани дунёдаги ҳеч бир мамлакат шу дамгача ҳал қила олгани йўқ. Биз шу вазифани ҳал этиш учун курашмоқдамиз ва уни албатта ҳал этамиз.

Буларнинг ҳаммаси—осон проблемалар эмас, албатта. Олга томон қилинадиган ҳаракат суръатлари ўзимизнинг қандай ишлашимизга, саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва техниканинг муваффақиятларига бевосита боғлиқ бўлади. Пўлат эритаётган, нефть қазиб олаётган, машина конструкциясини яратаётган, заводлар ва электр станцияларни қураётган, ғалла экиб, ҳосилни ўриб олаётган кишиларнинг меҳнати, ақл-заковати ва қўллари фаровонлигимизнинг ягона манбаи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Зотан биз планлаштираётган нарсаларнинг ҳаммаси, эртанги кунга назар ташлаб орзу қилаётган нарсаларнинг ҳаммасини фақат сизлар, фақат меҳнат аҳллари реалликка айлантиришингиз мумкин, ўртоқлар.

Юксак меҳнат унумдорлиги, экономиканинг самарадорлиги, жамият одамлар меҳнатини яхшилашга ажратиб бера оладиган миллий бойликнинг улуши миқдорини жуда бевосита белгилаб берадиган омиллардир. Ана шунинг учун ҳам партия хўжаликни юритишнинг интенсив методларига ўтиш, ўсишнинг сифат омилларига таяниш жуда катта аҳамият касб этмоқда, деган хулосани чиқарди. Узоқ муддатли истиқболни тайёрлаш муносабати билан қилинган дастлабки режалар бу нарса мураффақиятли иқтисодий ривожланишнинг зарур шарти бўлиб қолишини тасдиқлади.

Ҳозир халқ хўжалигининг ривожланиш суръатлари меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатларидан анча ўзиб кетмоқда. Шунинг ўзи ҳам жонли меҳнатни имкони борича кўпроқ тежашни талаб қилади. Келгуси эса бу талаб тагин ҳам кескинроқ бўлиб қолади. Чунки экономиканинг ривожи янада кенг кўлам касб этади, чунки илм-фан, маориф, соғлиқни сақлашда, маиший хизмат соҳасида ишловчи кишилар кўпая беради. Бунинг маъноси шуки, халқ хўжалиги моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган ходимлар сонини анча кўпайтирмаган ҳолда тез ривожлантирилиши, яъни меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ривожлантирилиши лозим. Бинобарин, планларимизни бажариш учун ишчилар ва колхозчилар янада унумли машиналар, янги автомат линиялар, кучли тракторлар, комбайнлар, бошқа қишлоқ хўжалик техникаси, энг замонавий технология билан қуроллантирилган бўлиши керак.

Фан-техника тараққиётини партия бутун ўз иқтисодий сиёсатининг ўзаги деб билмоқда. У ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларига кириб бориб, энг дадил илмий кашфиётларни ҳам, шунингдек технологиядаги юзлаб ва минглаб такомиллаштиришларни ҳам, янги механизмларни, асбоблари ҳам — хуллас инсон меҳнатини тежайдиган ва енгиллаштирадиган, меҳнатни янада унумли ва мароқли қиладиган ҳамма воситаларни ўз ичига олиши зарур.

В. И. Ленин меҳнат унумдорлигини янги иқтимоий тузумнинг ғалабаси учун пировард натижада энг муҳим, энг асосий, нарса деб атаган эди. Ленининг бу кўрсатмаси ҳозирги даврда фан-техника революцияси даврида алоҳида аҳамият касб этди. Партиямиз ҳам буни асло унутмаётир!

Экономикани ривожлантиришнинг интенсив методларига ўтилганлиги хўжаликни бошқариш соҳасида бир талай муҳим ва мураккаб вазифаларни ўртага қўяди, планлаштиришни яхшилашни, иқтисодий омиллардан янада моҳирона фойдаланишни, қатъий хўжалик ҳисобини талаб қилади. Партия ана шу масалаларнинг ҳамма-сини ҳал этиш йўлида ишлаб келди ва ишлай беради.

Хуллас, келгусида экономика ва халқ фаровонлигини ошириш соҳасида олдимизда катта вазифалар турибди. Бу вазифаларни ҳал этиш учун хўжаликка раҳбарликнинг ҳамма соҳалари фаолиятини такомиллаштиришни миллионмиллион меҳнаткашларнинг кенг кўламдаги ҳаракатлар билан, уларнинг активлигини ошириш билан, уларнинг ишга чинакам омилкорона муносабатда бўлиши билан боғлаб олиб бориш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилиш зарур. Экономикага раҳбарлик қилишга партиявий ёндошишнинг моҳияти ана шундан иборат. Бу ёндошишнинг тўғрилигини социалистик қурилишнинг бутун тарихи тасдиқлади. Келажакдаги муваффақиятларимизнинг калити ҳам шундан иборат эканлигига аминмиз.

Ўртоқлар! Истиқболни планлаштириш экономика билан бирга жамият ривожининг бошқа соҳаларини ҳам ўз ичига олади. Чунки социализмнинг мақсади — одамларнинг соцкал, маънавий, ахлоқий эҳтиёжларини ҳам қондиришдан иборат.

Ҳар бир киши жамиятнинг бошқа аъзолари билан тенг ҳуқуқли ва тақ-катта муваффақиятлар билан фахрланишга ҳақлимиз. Минглаб янги корхоналар, агро саноат комплекслари ишга туширилди. Бир қанча янги электр станциялар, жумладан Красноярск ГЭСи, янги иссиқлик ва атом станциялари сингари улкан нурхоналар ишга тушириларганлиги ўзларингизга маълум. Фан-техника тараққиёти туфайли юзага келган бир қанча мутлақо янги ишлаб чиқаришлар барпо этилди.

Аммо партия эришилган натижа билан ҳеч қачон қаноатланиб қолмайди. У коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг бутун диққат-эътибори ва куч-ғайратини ҳал этилмаган проблемаларга ҳамиша қарата беради. КПСС Марказий Комитетининг пленумлари, шу жумладан сўнгги, 1973 йил декабрь Пленуми ҳам масалага худди шундай ёндашди.

Пленум беш йиллиқнинг учинчи йилида экономиканинг ҳамма тармоқларида катта муваффақиятларга эришилганлигини қайд қилиш билан бирга бутун диққат-эътиборни «танг жойларга», мавжуд резервлардан янада тўлароқ фойдаланиш зарурлигига қаратди. Бу гап, жумладан, озиқ-овқат, енгил саноатга ва «Б» группасининг бошқа тармоқларига таалуқлидир, бу тармоқларнинг ўсиш суръатлари ҳозирча бизни қаноатлантирмаётир.

Пленумда 1974 ва 1975 йилларнинг тошпиқлари анча мураккаб эканлиги, аммо улар бажарилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Бунинг йўли — ҳамма кучларни сафарбар этишдан, хўжаликка раҳбарликни яхшилашдан, серунум меҳнат қилишдан, интизом ва уюшқоқликни оширишдан иборат. Биронта иш куни ҳам, бирор иш соати ҳам зое кетмаслиги лозим.

Декабрь Пленумининг қарорларини партия билан халқ бажонидил маъқуллаб кутиб олганликлари ва қўллаб-қувватлаганликларини Марказий Комитет мамнуният билан қайд қилади. Бутун мамлакатда социалистик мусобақанинг янги тўлқини мавж урди. 1974 йилда пландан ташқари 5 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариш мажбурияти олинди. Орадан беш ой ўтиши билан оқ, саноатимиз 3 миллиард сўмликдан кўпроқ пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқарди. Халқимизнинг Зарбдор меҳнати деб шуни айтадилар.

Энди 1974 йилни ва умуман беш йилликни муносиб равишда якунлаш вазифаси олдимизда турибди. Азиз москваликлар, сизлар билан бирликда, бутун совет халқи билан бирликда биз бу вазифани уддалай оламиз ва албатта уддалаймиз, деб қатъий ишонч билдиришга ижозат бергайсизлар.

Ўртоқлар! Партия жамиятни ривожлантириш йўлларини белгиланида шу кунинг талаб ва эҳтиёжларига ҳам, шунингдек анча олисдаги мақсадларни ҳисобга олишга, биз мамлакатимизни аср охирида қандай қиёфада кўрмоқчи эканлигимизга ҳам асосланади.

Ҳар бир беш йиллик жамиятимизни ривожлантиришдаги сезиларли одимдир. Аммо ўнинчи, таъбир жоиз бўлса, юбилей беш йиллиги алоҳида ўрин олади. Бунда планлаштирилаётган ва табиий равишда анча юқори бўладиган заҳарларнинг кўламинигина назарда тутаётганимиз йўқ. Шуниси ҳам борки, партия XXIV съездининг кўрсатмаларига мувофиқ янги беш йиллик план халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1976 —1990 йилларга мўлжалланган бош перспективаси билан бирга тайёрланмоқда ва унинг таркибий қисми бўлиб қолади. Бунинг маъноси шуки, КПССнинг навбатдаги XXV съезди ва янги чақириқ СССР Олий Совети шунчаки галдаги беш йиллик планни эмас, балки коммунистик қурилиш йўлидаги муҳим босқичлар бўлиб қоладиган ва чинакам программ аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни муҳокама қилиб, қабул этадилар.

Бу планлар иш жараёнида бўлган ҳозирги пайтда миллий даромадни, маҳсулотнинг у ёки бу турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга доир конкрет рақамларни айтиш ҳозирча жоиз эмас. Модомики, бу планлар партия сиёсатининг, партия қарорларининг мустаҳкам негизида тузилаётган экан, уларнинг йўналиши қандайлиги мутлақо равшан. Бу ҳақда жуда аниқ-равшан гапириш мумкин.

Мамлакат хўжалигини ривожлантиришнинг узоқ муддатли йўли меҳнаткашлар фаровонлигини янада анча ошириш сиёсати билан белгиланишини партия XXIV съезди таъкидлаб ўтди. Партия Марказий Комитети номидан сизларни ва сизлар орқали барча совет кишиларини ишонтириб айта оламанки, ўртоқлар, партиянинг бу принципал йўл-йўриғи қатъият билан давом эттирила беради.

Перспектив планларга коммунистик қурилишнинг кўпгина йирик проблемаларини ҳал этиш негизи қилиб олинади, бу эса коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш йўлидан анча олға силжиш ва халқ турмушини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш имконини беради.

Бунда гап ишлаб чиқарувчи кучларни ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисида, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва шу асосда бутун экономиканинг самарадорлигини ошириш ҳақида бораётир. Янги жуда катта халқ хўжалик комплексларини барпо этиш ишлари кучайтириб юборилади.

Биз ҳозиринг ўзидаёқ шу йўлдан бормоқдамиз. Ғарбий Сибирдаги жуда бой нефть ва газ конлари ўзлаштирилмоқда. Камада автомобиль гиганти қурилмоқда. Байкал—Амур магистралина ётқизишга киришилди. Байкал ортидаги ва Узоқ Шарқдаги жуда катта районлар шу магистрал туфайли обод этилади. Россиянинг қора тупроқли бўлмаган зонаси экономикасини юксалтириш келгуси беш йилликларнинг катта иши бўлади, бу зонада салкам 60 миллион киши яшайди. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бундай кўламдаги қайта ўзгартишлар тарихда мисли кўрилмаган, — ҳали мен бу ўзгартишларнинг баъзиларинигина тилга олдим. Бу ўзгартишлар Ватанимиз қиёфасини кўп жиҳатдан ўзгартириши ва бойитиши лозим.

Халқ хўжалигининг тез ўсиши энг муҳим социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш учун янги имкониятларни яратиб беради.

Келажакдаги уч беш йиллик давомида биз юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларининг, халқ истеъмол молларининг тўла мўл-кўлчилигига, маиший хизматни кенг миқёсда ривожлантиришга ва аҳолининг реал даромадларини тегишли равишда кўпайтиришга эришишимиз лозим.

Биз ўзимизнинг узоқ муддатли планларимизда бепоён мамлакатимиздаги кўпчилик шаҳар ва қишлоқларни реконструкция қилишни назарда тута оламиз. Айни вақтда ҳар бир оилани шинам квартира билан таъминлашдек жуда мураккаб вазифа ҳам ҳал этилади. Бу вазифани дунёдаги ҳеч бир мамлакат шу дамгача ҳал қила олгани йўқ. Биз шу вазифани ҳал этиш учун курашмоқдамиз ва уни албатта ҳал этамиз.

Буларнинг ҳаммаси—осон проблемалар эмас, албатта. Олга томон қилинадиган ҳаракат суръатлари ўзимизнинг қандай ишлашимизга, саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва техниканинг муваффақиятларига бевосита боғлиқ бўлади. Пўлат эритаётган, нефть қазиб олаётган, машина конструкциясини яратаётган, заводлар ва электр станцияларни қураётган, ғалла экиб, ҳосилни ўриб олаётган кишиларнинг меҳнати, ақл-заковати ва қўллари фаровонлигимизнинг ягона манбаи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Зотан биз планлаштираётган нарсаларнинг ҳаммаси, эртанги кунга назар ташлаб орзу қилаётган нарсаларнинг ҳаммасини фақат сизлар, фақат меҳнат аҳллари реалликка айлантиришингиз мумкин, ўртоқлар.

Юксак меҳнат унумдорлиги, экономиканинг самарадорлиги, жамият одамлар меҳнатини яхшилашга ажратиб бера оладиган миллий бойликнинг улуши миқдорини жуда бевосита белгилаб берадиган омиллардир. Ана шунинг учун ҳам партия хўжаликни юритишнинг интенсив методларига ўтиш, ўсишнинг сифат омилларига таяниш жуда катта аҳамият касб этмоқда, деган хулосани чиқарди. Узоқ муддатли истиқболни тайёрлаш муносабати билан қилинган дастлабки режалар бу нарса мураффақиятли иқтисодий ривожланишнинг зарур шарти бўлиб қолишини тасдиқлади.

Ҳозир халқ хўжалигининг ривожланиш суръатлари меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатларидан анча ўзиб кетмоқда. Шунинг ўзи ҳам жонли меҳнатни имкони борича кўпроқ тежашни талаб қилади. Келгуси эса бу талаб тагин ҳам кескинроқ бўлиб қолади. Чунки экономиканинг ривожи янада кенг кўлам касб этади, чунки илм-фан, маориф, соғлиқни сақлашда, маиший хизмат соҳасида ишловчи кишилар кўпая беради. Бунинг маъноси шуки, халқ хўжалиги моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган ходимлар сонини анча кўпайтирмаган ҳолда тез ривожлантирилиши, яъни меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ривожлантирилиши лозим. Бинобарин, планларимизни бажариш учун ишчилар ва колхозчилар янада унумли машиналар, янги автомат линиялар, кучли тракторлар, комбайнлар, бошқа қишлоқ хўжалик техникаси, энг замонавий технология билан қуроллантирилган бўлиши керак.

Фан-техника тараққиётини партия бутун ўз иқтисодий сиёсатининг ўзаги деб билмоқда. У ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларига кириб бориб, энг дадил илмий кашфиётларни ҳам, шунингдек технологиядаги юзлаб ва минглаб такомиллаштиришларни ҳам, янги механизмларни, асбоблари ҳам — хуллас инсон меҳнатини тежайдиган ва енгиллаштирадиган, меҳнатни янада унумли ва мароқли қиладиган ҳамма воситаларни ўз ичига олиши зарур.

В. И. Ленин меҳнат унумдорлигини янги иқтимоий тузумнинг ғалабаси учун пировард натижада энг муҳим, энг асосий, нарса деб атаган эди. Ленининг бу кўрсатмаси ҳозирги даврда фан-техника революцияси даврида алоҳида аҳамият касб этди. Партиямиз ҳам буни асло унутмаётир!

Экономикани ривожлантиришнинг интенсив методларига ўтилганлиги хўжаликни бошқариш соҳасида бир талай муҳим ва мураккаб вазифаларни ўртага қўяди, планлаштиришни яхшилашни, иқтисодий омиллардан янада моҳирона фойдаланишни, қатъий хўжалик ҳисобини талаб қилади. Партия ана шу масалаларнинг ҳаммасини ҳал этиш йўлида ишлаб келди ва ишлай беради.

Хуллас, келгусида экономика ва халқ фаровонлигини ошириш соҳасида олдимизда катта вазифалар турибди. Бу вазифаларни ҳал этиш учун хўжаликка раҳбарликнинг ҳамма соҳалари фаолиятини такомиллаштиришни миллионмиллион меҳнаткашларнинг кенг кўламдаги ҳаракатлар билан, уларнинг активлигини ошириш билан, уларнинг ишга чинакам омилкорона муносабатда бўлиши билан боғлаб олиб бориш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилиш зарур. Экономикага раҳбарлик қилишга партиявий ёндошишнинг моҳияти ана шундан иборат. Бу ёндошишнинг тўғрилигини социалистик қурилишнинг бутун тарихи тасдиқлади. Келажакдаги муваффақиятларимизнинг калити ҳам шундан иборат эканлигига аминмиз.

Ўртоқлар! Истиқболни планлаштириш экономика билан бирга жамият ривожининг бошқа соҳаларини ҳам ўз ичига олади. Чунки социализмнинг мақсади — одамларнинг соцкал, маънавий, ахлоқий эҳтиёжларини ҳам қондиришдан иборат.

Ҳар бир киши жамиятнинг бошқа аъзолари билан тенг ҳуқуқли эканлигини, ўзига нисбатан одилона, ҳурмат билан муносабатда бўлинишига, давлатнинг ғамхўрлигига, коллективнинг ёрдами ва маладига ҳамиша умид боғлай олишини англаши муҳимдир. Ҳар бир киши ўз корхонаси ва муассасасининг ишларида, ўз давлатининг ишларида актив қатнашишдан манфаатдордир. Ҳар бир киши ўз келажагидан кўнгли тўқ бўлишини, ўз фарзандларининг келажагига ишончи комил бўлишини истайди. Бизда ана шу социал эҳтиёжларни таъминлаш учун шарт-шароит яратилган. Бу — социализмнинг буюк ғалабасидир. Биз бу ғалабани бошқа ҳамма ижтимоий бойликлар каби ардоқлашимиз ва кўпайтиришимиз лозим.

Социал ривожланишнинг, бунинг устига қисқа муддатдаги социал ривожланишнинг якунларини чиқариш экономикани ривожлантириш якунларини чиқаришдан кўра мураккаброқдир — социал жараёнлар ривожини ҳамиша ҳам рақамлар билан ифодалаб бўлмайди. Башарти, тенденциялар тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу тенденциялар жуда равшан кўриниб турибди.

Бу тенденцияларнинг энг муҳими шуки, Совет жамияти тобора бирлашиб ва жипслашиб бормоқда. Бизнинг мамлакатимизда кўлами ва аҳамияти жиҳатидан мислсиз бўлган ижтимоий мусобақатлар структурасини чуқур ўзгартиришга проблемалари тарихда биринчи марта ҳал этилмоқда. Совет жамиятини ташкил этувчи синфлар ва социал группалар бир-бири билан тобора яқинлашмоқда. Бу эса, ўртоқлар, жуда соддир: биз коммунизм йўлидан тобора ва тобора олға силжиб бормоқдамиз.

Бизда одамларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи таркиб топди. Бунинг маъноси шуки, Совет кишилари ҳулқ-атвори, характери, дунёқарашининг социал ва миллий тафовутларга тобе бўлмаган умумий белгилари тобора кўпроқ сезиларли бўлиб қолмоқда. Бунинг маъноси шуки, ҳамиша социалистик тузумнинг асоси бўлиб келган ишчилар синфи билан деҳқонларнинг иттифоқи шу синфларнинг кўпдан бери социализм позицияларида қаттиқ турган зиёлилар билан бузилмас снёсий ва ғоявий бирлигида ўз ривожини топди. Зотан, биз ҳозир барча меҳнаткашларнинг, жисмоний ва ақлий меҳнат ходимларининг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг мустаҳкам иттифоқини воқелигимизнинг реал факти деб билиб, бу ҳақда гапиришга ҳақлимиз. Ишчилар синфи етакчилик ролини ўйнаётган бу иттифоқ мустаҳкам ва бузилмас иттифоқдир!

Жамиятнинг социал бир хиллигини мустаҳкамлаш социалистик демократияни, етук социализмнинг сиёсий системасини янада ривожлантиришнинг ишончли пойдеворидир.

Биз ўзимизнинг ҳақлилигимизга тўла ишонч билан шунн таъкидлаймизки, айни социализм ва фақат социализмгина демократик эркинликларни амалда рўёбга чиқаришни таъминлайди. Чинакам демократизм жамиятимизнинг ҳамма соҳаларига сингиб кетган, бутун халқнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳам шунингдек ҳар бир гражданнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳам самарали равишда таъминлаб турибди. Ленинчи партиямиз эса социалистик демократия принципларининг бош ифодачиси, уни мураффақиятли равишда янада ривожлантиришнинг кафили бўлиб турибди.

Бундан тўрт йил муқаддам биз ҳамма босқичдаги Советларнинг активлигини ошириш йўлида янги конкрет тадбирларни кўриш зарурлиги тўғрисида гапирган эдик. Ўша пайтдан бери Советларнинг ҳуқуқларини ва моддий имкониятларини кўпайтирган қонунлар қабул қилинди. Депутатларнинг статуси тўғрисидаги қонун уларнинг фаолият доирасини анча кенгайтирди. Советлар активроқ ишлайдиган бўлиб қолдилар. Депутатларнинг талабчанлиги кучайди, уларнинг давлат нуқтан-назари кенгайди. Бу эса жуда муҳимдир, бу партиянинг иши ўз самараларини бераётганлигининг кўрсаткичидир.

Агар демократия инсон ҳар куни меҳнат қилаётган, ўзининг ижодий кучларини сарфлаётган муҳитни ўз ичига олмаса, қуруқ бир нарса бўлиб қолаверади. Шу сабабли бевосита ишлаб чиқаришдаги демократик негизларни мустаҳкамлаш принципиал аҳамиятга эга.

Бу соҳада ҳам биз гоят изчил йўл тутмоқдамиз. Партия корхоналарнинг иш принципларига ва методларига тааллуқли ҳар қандай қонунимизда, ҳар қандай қарорда меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирок этишини албатта назарда тутишни талаб қилмоқда. Масалан, яқинда ишлаб чиқариш бирлашмалари тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Планларни тайёрлаш ва бажаришда, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш ишида, бирлашманинг бутун фаолиятини такомиллаштиришда жамоат ташкилотларининг ва меҳнаткашлар коллективларининг ролини ошириш тўғрисидаги фикр бутун ҳужжатда сингдириб юборилган. Шакшубҳа йўқки, партия ташкилотлари, касаба союзлари, комсомол ўзларига берилган ҳуқуқлардан ҳар бир коллективнинг ва бутун жамиятнинг манфаатлари йўлида фойдаланишга мураффақ бўладилар.

Меҳнаткашларнинг Советлар ишидаги, ишлаб чиқаришни бошқаришдаги иштироки кенгайиши, касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари активлигининг ўсиши меҳнаткашларнинг сиёсий маданиятини оширишни, партия, совет ва хўжалик органлари ишидаги ошкоралиги кучайтиришни алоҳида актуал масала қилиб қўймоқда. Бу соҳада ҳозиргача бир талай иш қилинди. Бундан буён ҳам биз шу йўлдан бораверамиз.

Кейинги йилларда Олий Совет қабул қилган меҳнат қонунлари асослари, маориф ва соғлиқни сақлаш тўғрисидаги, табиий муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар бизнинг принципиал йўлимизни — шахснинг ҳуқуқларини, меҳнаткаш инсоннинг ҳуқуқларини доимо кенгайтириш ва бойитиш йўлини давом эттиради. Ўмуман айтиш мумкинки, бизнинг қонунларимиз кейинги йилларда жиддий равишда янгиланди, анча стабил ва янада демократик қонунлар қўлга олди.

Биз социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш тўғрисида гапирганимизда ишнинг икки жиҳатини назарда тутамиз. Биринчидан, гражданларнинг ҳуқуқларини жуда қаттиқ ҳимоя қилишни, ўзбошимчаликнинг бирон бир кўринишига, шу жумладан мансабдор шахслар томонидан бўладиган ўзбошимчалик кўринишларига йўл қўймасликни назарда тутамиз. Иккинчидан, биз совет қонунларига, жамоат тартиби қоидаларига барча гражданларнинг жуда қаттиқ риоя этишларини назарда тутамиз. Жиноятчилик, жамият манфаатларига зид ҳулқ-атворнинг ҳар қандай формалари — социал иллат бўлиб, унга қарши кун сайин кураш олиб бориш, қатъият билан кескин кураш олиб бориш лозим. Совет кишилари масаласининг бу тарзда қўйилишига қўшилишларига ва уни қўллаб-қувватлашларига аминман.

Хўжалик фаолиятини ҳуқуқ асосида тартибга солиш тўғрисида бир неча оғиз сўз айтиб ўтмоқчиман. Афсуски, узоқ вақтдан бери шу масалаларга дуруст эътибор берилмай келинди ва натижада бу соҳада ҳал этилмаган кўпгина проблемалар тўпланиб қолди. Халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғида минглаб турли қонун-қоидалар ва йўл-йўриқлар амал қилмоқда. Уларнинг тагига етиб кўрингчи! Бунинг устига шу йўл-йўриқларнинг кўплари эскириб қолган, уларда асоссиз чеклашлар, иккиқиқир тартиб-қоидалар ёзиб қўйилган. Бу нарса ташаббусни бўғади, эндиликда экономика олдига қўйилаётган янги талабларга зид бўлиб тушади.

Янги чақириқ Олий Совети, ҳукумат, министрликлар ва идоралар бу иш билан жиддий шуғулланадилар, деб ўйлайман.

Социалистик демократияни ривожлантириш давлат аппаратини доимо такомиллаштириб боришни тақозо этади. Мансабдор ходимларнинг масъулиятини ҳамма жойда ошириш, лозим бўлган ҳолларда эса ташкилий структурани яхшилаш муҳимдир.

Биз давлат органлари ишида ленинча, партиявий услубни бутдан буён ҳам қатъият ва изчиллик билан қарор топтира бераміз. КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумида шу масала ҳақида жиддий гаплашиб олинди. Ишда партиявий услубни қарор топтиришга ҳаракат қилиш билан бирга бюрократизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашни кучайтиришимиз лозимлиги тўғрисида гапирилди.

Энди, ҳозир ошкора қўпол сўз ва сансалорчи ходим бемалол ишлай олмайди. Аммо бюрократнинг жамиятимизда кун кўриши қийинлашган сари, у шароитга шу қадар устомонлик билан мослашиб олиб, янги қиёфага кираверади. Моҳият эса эскилигича қола беради — ишнинг моҳияти формага қурбон қилинаверади, маҳкамачилик ва маҳаллийчилик манфаатларини кўзлаб, давлат, жамият, одамларнинг манфаатлари пастга урилаберади. Айрим ходимлар ҳар бир ишда қарорлар қабул қилишдан, таваккал қилиб оқилона иш тутишдан, шахсий масъуликдан бўйин товлашга уринмоқдалар. Улар аввал бошданоқ ишни яхшироқ йўлга қўйиш тўғрисида эмас, балки ўзини иш бароид бўлган тақдирда ҳар томондан қоғозлар билан қуршаб олиш тўғрисида ўйлайдилар. Бизнинг аппаратимизда бундай одамлар унчалик кўп эмас, албатта. Лекин улар ош бўлса ҳам, катта зарар етказишлари мумкин.

Гап совет ёки хўжалик органлари тўғрисида, маданият муассасалари, жамоат ташкилотлари тўғрисида борадими, барибир ҳамма бошқарув лавозимларида социализм ишига садоқатли, билимдон ва қобилиятли кишилар, янгиликни сезадиган, одамохун ва дилкаш, коллективни ўзига эргаштира оладиган ва айни вақтда ундан ўрганадиган яхши ташкилотчилар бўлишидан жамиятимиз гоят манфаатдордир.

В. И. Ленин социализм шароитида цивилизацияни жамиятлар тарихида биринчи марта аҳоли оммаси кундалик бошқарувда мустақил иштирок этиш даражасига кўтарилди, деган эди. Бизнинг мамлакатимизда бунга эришилди. Практикада, ҳаётда бизнинг давлатимиз юқоридан пастгача оммаининг кундалик иштирокида идора қилинмоқда. Бу эса жамиятимиз динамизмининг, социализм сиёсий системаси барқарорлигининг муҳим манбаидир.

Ўртоқлар! Совет халқининг маънавий қаёти, унинг маданияти йил сайин тобора мазмунли ва хилма-хил бўлиб бормоқда. Шундай бўлиши қонуний бир ҳолдир. Эндиликда ижтимоий тараққиёт сўрўатлари коммунизм йўлидаги ҳ

ҲАММА НАРСА ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ УЧУН, СОВЕТ КИШИСИ УЧУН

(Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

батларимизни жиддий равишда кенгайтириш учун имкониятлар вужудга келди. Финляндия, Скандинавия мамлакатлари, Австрия ва бошқа давлатлар билан яхши ҳамкорлик қилмоқдамиз. Буюк Британия билан муносабатларимизда ҳам муайян силжишлар рўй бера бошлади.

Европани барқарор тинчлик ва самарали ҳамкорлик зонасига айлантириш жараёни бошланди, буни ҳар томонлама қувватлаш ва давом эттириш керак. Бунинг учун, аввало Умумевропа кенгашини муваффақиятли тугаллаш зарур.

Хельсинкида ва Женевада анчагина иш қилиб қўйилди. Бир қанча муҳим ва мураккаб масалаларни ҳал этиш йўлини топишга муваффақ бўлинди. Лекин яширмасдан шуни очиқ айтиш керакки, баъзи давлатларнинг делегациялари гоҳ бир хил, гоҳ иккинчи хил таклифлар киритиб, шу жумладан қабул қилинмаслиги очиқ кўриниб турган ёки ишга умуман алоқаси бўлмаган таклифлар киритиб вазиятни мураккаблаштиришга урунмоқдалар.

Ишни чўзиш ва пайсалга солиш тактикасини ўтказаётганлар ўзларига шундай бир савол беришлари керак: хўш, кенгашни муваффақиятли тугаллашнинг ўрнини босадиган бошқа қандай таклиф киритиш мумкин? «Совуқ уруш» йиллари давомида Европа халқларини чарчатиб қўйган эски ҳолатга, давлатларнинг муносабатларидаги кескинликка қайтиш керакми? Иш мана шу томонга бурилиадиган бўлса, ўз зиммаларига қандай масъулият тушишини мана шу арболдар тушунаётирларми? Бу нарса осойишта яшашни истаётган ва шу сабабли кенгашдан Европада тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамловчи салмоқли қарорлар кутаётган халқларнинг туб манфаатларига зид бўлиб тушар эдику.

Биз аминмизки, хоҳиш бўлган тақдирда ишга ҳақиқатан алоқадор бўлган, ҳозирча бир ёқли бўлмай турган масалаларнинг ҳаммасини қониқарли, фойдали тарзда ҳал этиш йўлини топиш мумкин. Бунинг учун фақат битта нарса керак: реал ҳолатни сезиб ва билиб, Европанинг тинч келажаги тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак. Биз яна шунга ҳам аминмизки, кенгаш шуғулланаётган проблемаларнинг муҳимлиги ва катталиги унинг якунловчи босқичида энг юксак даражадаги арболларнинг қатнашувини талаб килади.

Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатларда жиддий бурилиш рўй берганлиги кейинги йиллардаги энг муҳим ташқи сиёсий воқеаларнинг бири бўлиб қолди. XXIV съезд қарорларига амал қилиб, биз бу масалага Совет — Америка муносабатларининг тинчликни сақлаб қолиш ва халқаро иқлимни яхшилаш учун бўлган аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда принципиал равишда ёндашдик.

Бу ишда олдинга силжиш рўй берганлиги очиқ кўриниб турибди. Совет Иттифоқи билан АҚШ жуда катта аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни, тинч-тотув яшаш принципларига мувофиқ ўзаро муносабатларимизнинг асослари тўғрисидаги ва ядровий урушнинг олдини олиш тўғрисидаги, стратегик қуролларни чеклашдаги биринчи қадамлар тўғрисидаги ҳужжатларни имзоладилар. Кўпгина соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тўғрисида ҳам битимлар тузилди. Бу ҳужжатлар ва битимлар фақат дипломатик йўл билан эмас, шу билан бирга бошқа кўпгина йўллар билан — ҳар иккала мамлакатнинг савдо-саноат доиралари, олимлари, маданият арболлари, жамоатчилик вакиллари ўртасида ҳамкорлик ва алоқаларни кенг ривожлантириш учун яхши негиз яратиб берди. Америка конгрессининг кўпгина мўътабар аъзолари Совет Иттифоқига келиб кетдилар. Бизнинг парламент делегациямиз ҳам яқинда АҚШга бориб келди. Мана шуларнинг ҳаммаси ҳозирги кун проблемаларини ҳал этиш учун ҳам, Совет — Америка муносабатларининг келажаги учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Ўзларингизга маълумки, яқинда Америка Қўшма Штатларининг президенти Ричард Никсон яна Москвага келади. Совет — Америка раҳбарлари учинчи марта учрашадилар. Бу учрашувни фақат бизнинг иккала мамлакатимиздагина эмас, шу билан бирга бутун дунёда ҳам қизиқиб кутмоқдаларки, бунинг сабаби маълум. Москвадаги учрашувлар қандай якунланиши мумкинлиги ҳақида чет эл матбуотида пессимистик баҳоларни учратиш мумкин. Биз бошқача фикрдамиз. Совет—Америка муносабатлари яхшиланиши мумкин ва яхшиланавериши лозим. Ҳали етилмаган масалаларни ҳеч ким шошма-шошарлик билан ҳал қилмоқчи эмас, албатта. Лекин бир жойда туриб қолавериш, ҳам мумкин эмас.

Эришилган натижаларни тегишли равишда қайд қилиб ўтиш билан бирга ҳануз сақланиб қолаётган қийинчиликлар ва проблемалардан ҳам кўз юма олмаймиз. Бундай проблемалар бор. Шу боисдан ҳам ҳозирги кундаги мавжуд имкониятлардан олга силжиш учун тўла равишда фойдаланиш жуда зарур. Бу гаплар СССР билан АҚШ ўртасидаги сиёсий муносабатларга тааллуқлидир. Бу гаплар бизнинг иқтисодий муносабатларимизга ҳам тўла равишда тааллуқлидир. Шундай экан, қуролланиш пойгасини чеклаш соҳасида айниқса муҳим ва мураккаб проблемалар сақланиб қолмоқда, десак бўлади. Бу проблемалар атрофида кескин мунозара авж олиб кетди.

АҚШда ва унга иттифоқчи бўлган мамлакатларда кескинликнинг юмшатилишига қарши чиқаётган доиралар қуролланиш пойгасини кучайтиришга интилмоқдалар. Қуролланиш пойгаси учун жавобгарликни ҳозир Совет Иттифоқига тўнкашга уринмоқдалар. Бу ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатишдан бошқа нарса эмас. Эҳтимолки, ўтмишни ҳамиша ҳам эсга олавериш керакмасдир. Лекин бу масалада ўтмишни эсга олиш жуда ўринли бўлади. Ҳаммага маълум фактлар шуни кўрсатиб турибдики, яқин киргин қуролларнинг энг хатарли турларини яратишдаги рақобатга бизни мажбуран тортган эдилар. Атом бомбаларни, стратегик ракеталар ўрнатилган сув ости кемаларни, кассетали бомбаларни ва бошқа кўпгина шу каби нарсаларни яратишни биз бошламаган эдик.

Қуролланишни чеклаш масалалари бўйича 1972 ва 1973 йилларда тузилган Совет-Америка битимлари эзгу мақсад сари яхши йўл очиб берди, деб ҳисоблаймиз, бундан буён мана шу йўлдан бораверiш керак. Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи ўзаро келишиб ўзларининг қурол-яроғларини бундан буён кўпайтириш ишида ўзларини энг кўп даражада тийиб турсинлар, стратегик қуролнинг янгидан-янги системаларини яратишнинг олдини олишга имкон берадиган ўзаро битимга келсинлар, деб талаб қилмоқдамиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ биз ядро қуролининг ер ости синовларини чеклаб қўйиш, ҳаттоки бу синовларни келишиб олинган муддатларда батамом тўхтатиш тўғрисида Қўшма Штатлар билан битимга келишга тайёрмиз.

Хуллас, агар Қўшма Штатлар ҳукумати битимларимизда ёзиб қўйилганидек, баббаравар хавфсизлик принципларига ва бир томонлама устунлик олишга уринишдан воз кечиш принципларига амал қилса, стратегик қуролларни чеклаш ва қисқартириш сингари муҳим ишга Совет Иттифоқи АҚШ билан ҳар доим ҳалол ва актив ҳамкорлик қилаверади.

Биз Совет—Америка муносабатлар чинакам стабил муносабатлар бўлсин, кундалик ўзгаришлар тебрб ойида бош министр Танака билан бўлган учрашувда ҳар иккала томон бу муносабатларни чуқур яхшиланиш ўзанига солиб юбориш кераклигини айтдилар ва иқтисодий ҳамкорликни анча кенгайтириш зарур деган муштарак фикрга келдилар. Ҳар иккала томон учун манфаатли катта-катта битимлар тузилди. Бундан буён ҳам шундай ишлар қилиш истиқболи ёмон эмас. Шу билан бир қаторда сиёсий соҳада ҳам Совет—Япония муносабатлари ривожланаверди, деб умид қилиш мумкин. Биз аминмизки, совет-япон муносабатларининг ижобий ривожланиши ҳар иккала мамлакатнинг эҳтиёжларига мос бўлиб тушади. Бундай ривожланиш Осиё қитъасида тинчлик ва хавфсизлик манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади.

Шу жиҳатдан қараганда, мамлакатимизнинг Ҳиндистон, Афғонистон, Бангладеш ва Осиёдаги бошқа мамлакатлар билан самарали ҳамкорлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Ўтган йиллар мобайнида шу мамлакатлар билан муносабатларимизда бир талай муваффақиятлар қўлга киритилди. Совет Иттифоқининг бир қанча араб давлатлари билан, Африка ва Латин Америкасидаги кўпгина мамлакатлар билан муносабатлари тўғрисида ҳам шу гапларни айтиш мумкин.

Бизнинг Аргентина билан муносабатларимиз яхшиланмоқда. Биз президент Перонни Совет Иттифоқига таклиф қилдик. Бу таклиф қабул қилинди. Мана шу визит, мамлакатларимиз ўртасида олиб бориладиган музокаралар, сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши ҳар иккала халқ манфаатларига хизмат қилади, деб ўйлайман.

Хуллас, ўртоқлар, кейинги йилларда жаҳонда кўп нарсалар ўзгара бошлади. Лекин бу борада ярим йўлда тўхтаб қолмаслик керак. Кескинликнинг юмшатилиши абадий бўлиб қолиши лозим ва биз бунинг учун курашаверамиз.

Сиёсий кескинликнинг юмшатилиши ҳарбий юмшатилиш билан тўлдирилиши учун ҳам ҳаракат қилмоқдамиз. Қуролланишни чеклаш соҳасида, маълумки, бир қанча халқаро битимлар тузилишга муваффақ бўлинди. Агар шундай қилинмаганда эди, ҳозирги кундаги аҳвол, эҳтимол бундан ҳам кўра жиддийроқ бўлур эди, лекин қуролланиш пойгасини тўхтатишга, афсуски, муваффақ бўлинмади.

Мана шундай шароитда Марказий Комитет, давлатимизнинг раҳбар органлари социалистик Ватанимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга тинимсиз диққат ва эътибор беришни давом эттирмоқдалар. Сизларни ишонтириб шуни айтишим мумкинки, ўртоқлар, бизнинг мудофаамиз мустаҳкам. Бундан кейин ҳам тегишинча юксак даражада бўлади.

Шу билан бирга биз қуролсизланиш соҳасида реал силжишларни қўлга киритиш учун ҳормай-толмай курашмоқдамиз. Қуролланиш пойгасининг тарафдорлари, қурол-яроғларни чеклаб қўйиш, айниқса қисқартириш оқибати яхши бўлмайди, деб важ қиладилар. Ҳақиқатда эса, қуролларни тўхтовсиз кўпайтираверiш беқиёс катта хатарли оқибатга олиб келади. Шуни назарда тутиб, биз ҳамма давлатларни, ҳамма ҳукуматларни қуролланиш пойгасига чек қўйишга, ёппасига ва батамом қуролсизланишдан иборат буюк мақсад сари йўл олишга қайта-қайта даъват қилмоқдамиз.

Ўз миқёси жиҳатдан ғоят катта бўлган бу вазифани ҳал этишнинг мураккаблигини тушуниб биз қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартириш йўлида қисмий чоралар кўриш йўлидан боришга ҳам тайёрмиз. Жумладан, бизнинг Марказий Европада қуролли кучларни ва қуролларни ҳисобга олиш ва уларнинг сонини камайтириш ҳақидаги Вена шартномасини имзолашга тайёрмиз. Бу шартномани имзолашга ва фидокорона меҳнатингизда сизларга янги, тағин ҳам катта муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Ўртоқлар! СССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган бошқа номзодлар каби мен ҳам коммунистлар билан партиясизлар блокининг вакилиман. Бу блок сиёсий ҳаётимизнинг муваққат омили эмас, балки доимий омилидир. Агар бунинг мазмуни чақиб қарасак, оқибат натижада бу блокда биз учун муқаддас бўлган принцип, яъни халқнинг иши, ташвиши ва истаклари — партиянинг иши, ташвиши ва истакларидир, деган принцип мужассамлашганлигини кўрамиз.

Нуткимни тамомлар эканман, мени яна СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатган 2-автотрактор электр аппарати заводи, Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Большевичка» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Октябрь Революцияси орденли ва биринчи даражали Ватан Уруши орденли ҳисоблаш-аналитик машиналар заводи, Москва темир йўли мотор вагон депоси ишчиларига, инженер-техник ходимларига ва хизматчиларига, шунингдек Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бауман номли олий техника билим юрти профессорлари, ўқитувчилари, студентлари, аспирантларига яна бир марта миннатдорчилик изҳор қилишни истайман.

Ишончли вакил ўртоқ Анатолий Николаевич Афанасьевга, шунингдек ушбу учрашувда менинг номзодимни қувватлаб чиққан Валентин Николаевич Макеевга, Георгий Александрович Николаевга, Вера Степановна Гридневаги, Николай Николаевич Селезневга ва Тамара Павловна Зайцевага самимий миннатдорчилик изҳор қилишга руҳсат бергайсиз.

Округимизнинг сайлов участкаларида ишлаётган агитаторлар ва ишончли вакиллардан бўлажак сайловни тайёрлашда актив қатнашганликлари учун самимий ташаккуримни қабул қилишларини сўрайман.

Менинг номзодимни қўллаб-қувватларганларини партия сиёсати қўллаб-қувватланаётганлигини н г , унинг йўли маъқулланаётганлигининг ифодаси, деб биламан. Коммунизм ишининг янги ғалабалари учун ҳамма нарсани қилиш коммунист сифатида мен учун бош мақсаддир, олий бурчдир, бутун ҳаётимнинг маъносидир.

Юксак ишонч учун сизларга катта раҳмат ўртоқлар!

(Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқи зур эътибор бериб тингланди. Ингилиз қатнашчилари нутқнинг якунловчи сўзларини гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар. Ҳамма ўриндан туради. Залда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг ленинчи Марказий Комитети шарафига, коммунизм қураётган совет халқи шарафига табрик хитоблари янграйди).

* * *

Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқини мамлакатимизда ва жаҳондаги бошқа кўпгина давлатларда миллион-миллион кишилар ғоят қизиқиб ва зўр эътибор билан тингладилар. Нутқ Бутуниттифоқ радиоси, Марказий телевидение ва «Интервидение», «Орбита» ҳамда «Восток» системалари орқали эшиттирилди ва кўрсатилди.

Сайловчиларнинг ўртоқ Л. И. Брежнев билан учрашуви партия билан халқнинг мустаҳкам бирлигини, пойтахт меҳнаткашлари партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаётганлигини, москваликлар тўққизинчи беш йиллик планни, КПСС XXIV съезди қарорларини бажаришга интилаётганликларини кўрсатувчи ёрқин намойишга айланди.

(ТАСС).

УЮШҚОҚЛИК НАМУНАСИ

Фрунзе районидаги 57|7 сайлов участкасига А. Л. Царева мудирлик қилмоқда. У ана шу сайлов участкаси жойлашган 97-ўрта мактабнинг директори ҳамдир. Бу ерда 42 агитатор СССР Олий Советига сайлов ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан сайловчилар ўртасида суҳбатлар олиб боришди. Бу агитаторлар тўқимачилик комбинати медицина-санитария қисмининг врач ва ҳамширалари, 103-автобаза ишчи-хизматчилари, «Средазнипроцветмет» институти ходимлари, «Ўзтекстильторг» базаси хизматчилари ҳамда мактаб ўқитувчиларидан иборатдир.

— Сайлов участкасида бўлган суҳбатларга кўпгина сайловчилар қатнашдилар, — дейди сайлов комиссияси секретари Зинаида Ивановна Чекмарева. Айниқса тўқимачилик комбинати медицина-санитария қисмининг бош врачи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач Тўхта Алимовнинг Совет сайлов системасининг афзалликлари тўғрисидаги лекцияси жуда қизиқарли бўлди.

Сайловчилар якшанба куни тонг отмасданоқ сайлов участкасига келиб биринчи бўлиб овоз бериш иштакларини билдирдилар. Бу ерда овоз берувчи икки мингга яқин сайловчилардан 56 йигит-қиз биринчи бор сайловда қатнашади. Шунинг учун ҳам уларнинг қувончлари чексиз бўлмоқда.

Қудратимиз — дўстликда

КПСС Марказий Комитетининг СССРнинг барча сайловчиларига ва гражданларига Мурожаати «Ташхисельмаш» заводининг ишчилари томонидан қизғин кутиб олинди. Мурожаатнинг ҳар бир сатри ишчиларимизни янгидан-янги меҳнат зафарларига даъват этади. Унда «Коммунистик партиянинг сиёсати — ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг иттифоқини янада мустаҳкамлаш, синфлар ва социал гуруҳларни бир—бирига яқинлаштириш, халқларнинг дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлаш сиёсатидир, социалистик демократияни янада такомиллаштириш қаратилган сиёсатдир. Коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериш билан сизлар партиямизнинг социал ва миллий сиёсати янги муваффақиятлари учун умумхалқ социалистик давлатни янада мустаҳкамлаш, унинг демократик негизларини ривожлантириш учун овоз берасиз» дейилган.

Ўроқ ва Болға иттифоқига содиқ қолган корхонамиз коллективи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва деҳқонларни зарур техника воситалари билан ўз вақтида таъминлаш ишларига катта эътибор бермоқда. Сайловдан-сайловгача бўлган давр ичида коллективимизда янги—серунум «ОВХ—14» машинаси ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу чанглагич —пуркагич агрегати қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда ва ғўзаларни дефолиация қилишда қишлоқ меҳнаткашларига қўл келмоқда.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўтган йилдагига нисбатан анча кўпайтирилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 300 та кўп агрегат ишлаб чиқардик ва шундагига қўшимча ярим миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Заводимиз коллективи 1974 йилга олган социалистик мажбуриятларида шундагига қўшимча юзта чанглагич-пуркагич машиналари ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Қишлоқ меҳнаткашлари билан ҳамкорлигимиз тобора мустаҳкамланиб бормоқда, бу ҳамкорлик ўзаро ёрдам асосига қурилган.

Корхонамиз коллективи СССР Олий Советига ўтказилдиган сайловни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олмоқда. Ўтган беш ой давомида шундан ташқари 200 минг сўмлик қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқарилди. Бу эса бизнинг КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатига амалий жавобимиздир.

Эртага ҳаммамиз бир кишидек, коммунистлар ва партиясизлар блоки учун яқдиллик билан овоз берамиз.

Т. НЕЪМАТОВ,
«Ташхисельмаш» заводининг термисти шаҳар советининг депутати.

ТЎРТ ЙИЛЛИК ПЛАН ТАЙЁР!

Тошкент шаҳар маҳаллий саноат Бошқармасига қарашли кўн-галантерея фабрикасининг коллективи СССР Олий Советига сайловлар кунини меҳнатда улкан ютуқлар билан нишонлади.

КПСС Марказий Комитетининг ССР Иттифоқининг барча сайловчиларига, гражданларига Мурожаатига жавобан сиёсий ва меҳнат фаоллигини оширган коллектив Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг олтин юбилейини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақани янада авж олдириб юборди. Зардор меҳнат вахтаси ажойиб ютуқлар билан нишонланди.

Яқинда фабрика коллективи маҳсулот реализация қилиш бўйича тўрт йиллик планни муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида ғалаба рапорти берди.

Бугун фабриканинг 1971 — 1974 йиллар планига қўшимча реализация қилган маҳсулоти 400 минг сўмга етди.

Илгор коллектив ўз имкониятларини ҳамда ички резервларни ҳисоблаб чиқиб, оширилган социалистик мажбуриятни қабул қилди.

Тўққизинчи беш йиллик планини муддатидан илгари— тўрт йилу уч ойда, яъни 1975 йилнинг 1 апрелида бажаришга қарор қилинди.

Умумхалқ иши

Чилонзор район уй-жой бошқармасининг инженер-техник ходимлари 163-мактабга жойлашган 6|55 сайлов участкасини СССР Олий Советига сайловлар ўтказиш учун тайёрлашда катта ёрдам бермоқдалар. Шиор ва плакатлар, сайлов қутилари ва хоналарини тайёрлаш ва сайлов участкасини безашда моддий ёрдам кўрсатилди.

Район уй-жой бошқармаси бошлиғининг ўринбосари П. Д. Нежвих раислик қилаётган бу сайлов участкасида ҳамма ишлар ўз вақтида мукаммал битказилди.

163-мактаб директори Н. А. Морозова мудирлик қилаётган агитпунктнинг 59 агитатори 28 та кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи сайловчилар ҳузурида бирма-бир бўлиб, улар билан бўлажак сайлов тўғрисида суҳбатлар ўтказишди. Сайловчиларни агитпунктда бўлган лекция ва суҳбатларга таклиф қилдилар. Бу ерда турли темаларда жонли суҳбатлар ўтказилди.

Бу сайлов участкасидан 2 мингдан ортиқ сайловчи Иттифоқ Советига номзоди кўрсатилган СССР Ташқи савдо министри Николай Семёнович Патоличев ҳамда Миллатлар Советига номзоди кўрсатилган Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Асадилла Ашрапович Ҳўжаев номзоди учун овоз берадилар.

МИНГЛАР ОВОЗИ

Ҳамза районидаги 226-мактабга кирзаверишда СССР Олий Советига сайловларга онд шиор ва плакатлар, КПСС Марказий Комитетининг барча сайловчиларга Мурожаатидан олинган сўзлар билан безатилган. Ям-яшил хиёбон ва гулзорлар оралаб ўтиб сайлов участкасига киришингиз билан сизни 119|124 сайлов участкасининг агитаторлари хушнудлик билан қарши оладилар.

Бу сайлов участкасига шу мактабнинг қўшниси — 7-мактаб-интернат директори Мели Арслонов раислик қилмоқда. Сайлов участкасининг агитпунктига мактаб директори Оқилхон Қосимов мудирлик қилаяпти. Улар раҳбарлигида 40 га яқин коммунист ва комсомоллардан ташкил топган агитаторлар сайлов олди кампаниясида сайловчилар хизматида бўлишди.

Кеча

тўққиз кишидан иборат комиссия аъзолари ва активлар иштирокида 16-июнь куни СССР Олий Советига бўладиган сайловларни ўтказиш масаласи юзасидан йиғилиш ўтказилди. Мажлис охирида ҳар бир кишига аниқ вазифалар белгилаб берилди. Бу ерда сайлов куни коммунистлар билан партиясизларнинг муносиб номзодлари учун 4 мингга яқин киши овоз беради. Шулардан 64 ёш йигит-қиз биринчи бор сайловда қатнашади.

ЁШ САЙЛОВЧИЛАР ОҚШОМИ

Бугун

Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғида ёш сайловчилар оқшоми ўтказиляпти.

Сайловчилар билан учрашувга Ленин партиясининг ветеранлари, Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун кураш иштирокчилари келдилар. Бу ерда ҳуқуқ масалалари бўйича консультациялар ташкил этилди. Боғ бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчиларининг концертлари бўлади.

Эртага маданият ва истироҳат боғида «Халқ ҳокимияти» деган шиор остида халқ сайли ўтказилади.

● Эртага — медицина ходимлари куни

МЕҲНАТКАШЛАР СОҒЛИҒИНИ ЎЙЛАБ

СССР Соғлиқни сақлаш министри академик Б. В. Петровский ТАСС мухбири билан қилган суҳбатда бу йил медицина ходимлари куни мамлакатда муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа — СССР Олий Совети сайловига тўғри келади, деди. Шу муносабат билан олий қонун чиқарувчи органининг меҳнаткашлар саҳат-саломатлигини муҳофаза этишдаги муҳим ролини яна бир марта таъкидлаб ўтишни истардим. Мана тўрт йилдирки, ССР Иттифоқи ва Иттифоқдош республикаларнинг еттинчи чақириқ ССР Олий Советининг еттинчи сессиясида соғлиқни сақлаш тўғрисида қабул қилинган қонун асосларига амал қилиб ишлаяпмиз.

Қонун асослари совет кишилари саҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш учун соғлиқни сақлаш органлари ва бошқа идоралар масъулиятини оширишни кўзда тутади. Олий Совет, унинг комиссиялари, жойлардаги ҳамма совет органлари ўзининг кўп томонлама фаолиятида медицинани ривожлантиришга доимо эътибор бериб келаётганликларини айтмасдан бўлмайди.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш ишлари мустаҳкам моддий-техника базасига, юқори малакали медицина кадрларига, кенг тарқалган илмий-тадқиқот ва клиник муассасаларга эгадир. Биз профилактика, диагностика ва даволаш масалаларини ҳозирги илмий даражада ҳал этиш учун зарур ҳамма нарсага эгамиз. 1973 йилда СССРда врачлар сони 766 минг кишига етди. Бу дунёдаги энг юксак кўрсаткичлардан биридир.

Академик Б. В. Петровский совет соғлиқни сақлаш ишининг муваффақиятлари медицина фанининг ютуқлари, унинг практика билан актив алоқаси туфайли мумкин бўлди, деб таъкидлади. Биохимия, физиология, генетиканинг муваффақияти инсониятни рак, атеросклероз ва бошқа касалликлар табиатини очишга яқинлаштиради. Биз трансплантология фани ҳайратда қоларли муваффақиятларга эришганлигининг шоҳидлари бўлдик. Бу фан илгари касалликка дучор бўлган кўп кишиларни ҳозирнинг ўзидаёқ қутқариб қолишга ёрдам бермоқда. Қон қўйиш — давримиз медицинасининг энг муҳим ютуғидир. Шу туфайли врачлар ҳар йили мингминглаб кишиларни омон сақлаб қолдиряптилар.

Бизнинг аҳоли иммунопрофилактикаси ва вакцинацияси соҳасидаги ютуқларимиз катта. Булар кўпгина хавфли юқумли касалликларни назорат қилишга ёрдам бермоқда. Диагностика ва кўпгина касалликларни даволашда рентген нурлари ва радио иззатоплардан фойдаланишдаги муваффақиятлар ҳам оз эмас. Биз тез медицина ёрдам системасини янада кенгайтириш ва такомиллаштиришга катта аҳамият бераяпмиз. Бизда неча юзлаб инфаркт марказлари ва тез қон томир хирургияси марказлари ишлаб турибди, Бу марказлардаги ихтисослашган бригадалар кўпгина шаҳарлар ва аҳоли пунктларига бориб ёрдам кўрсатяптилар. Совет врачларининг ихтиёрида сунъий қон айланиш аппарати, баракамера, электроника, лазер установкалари каби такомиллашган техника воситалари бор. Врач малакасини оширишга катта эътибор берилмоқда. У жамики замонавий билим билан қуролланмоғи, мураккаб медицина техникасини жуда яхши ишлата билмоғи лозим.

Партиямиз ташқи сиёсатни амалга ошириш ва тинчлик программасини ривожлантириш натижасида медицина фани ва соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам халқаро ҳамкорликни — инсонпарварлик, тенг ҳуқуқлилик принципларига асосланган ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун қулай шароитлар вужудга келди. Яқинда Франция, Финляндия, АҚШ билан махсус битимлар имзоланди. Бизнинг қардош социалистик мамлакатлар билан алоқаларимиз айниқса актив ва кўп томонламадир.

Совет медикларининг юксак маҳоратлари, инсонпарварликлари чет элларга ҳам машҳур. Ҳозир турли мамлакатларда 800 га яқин совет врачлари ишлаб турибди. СССР жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг фаолиятида ғоят актив қатнашмоқда. Совет делегациясининг ташаббуси билан шу ташкилотнинг асосий программаси қабул қилинди. Мамлакатимизда жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 77 турли марказлари ишлаб турибди.

Врачларга энг қимматли бойлик — кишиларнинг саҳат-саломатлиги, ҳаёти ишониб топширилади. Улар ўзларининг юксак бурчларини шараф билан бажо келтирмоқдалар. Неча минглаб медиклар орден ва медаллар билан мукофотланган. Кўпгина врачлар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак номга сазовор бўлган.

Бу йил медицина ходимлари куни «Халқ саҳат-саломатлигини сақлашни янада яхшилаш — тўққизинчи беш йилликда соғлиқни сақлаш ходимларининг энг муҳим вазифаси», деган шиор остида ўтмоқда. Совет медикларининг кўп миллионли армияси номидан партияни ишонтириб айтамизки, халқ саҳат-саломатлиги посбонлигида бундан буён ҳам шараф билан тураверамиз, деди пировардида министр.

Шу кунларда «Ғалаба» боғи ниҳоятда дам олувчилар билан гавжум бўлаяпти. Меҳнаткашлар бу ерда унумли меҳнатдан сўнг, маданий ҳордиқ чиқарадилар.

СУРАТДА: дам олувчилар кўлда сайр этишмоқда.

М. Нурмаддинов фотоси.

Христо ПЕЛИТЕВ, болгар ёзувчиси

НАСРИЙ МАСАЛ

Дунёда энг зўр ва энг кучли жонзот инсон эканлигини эшитган ҳайвонлар шоҳи — шернинг жаҳли чиқди, у одам билан куч синашмоқчи бўлди. Юриб-юриб, излай-излай, ниҳоят, одамга дуч келди. Ўзаро салом-аликдан сўнг шер одамга деди:

— Эй оғайни, кел бир кураш тушайлик!

— Хўб, — деди одам. — Фақат аввал қисқача таржимаи ҳолингни ёз.

— Қанақа таржимаи ҳол?! — ҳайрон бўлди шер.

— Одатдаги таржимаи ҳол. Бир бетли. Исминг нима, қачон туғилгансан ва ота-онанг ким?

Шер таржимаи ҳолини ёзди.

— Кел, энди курашайлик! — деди у.

— Йўқ, аввал ариза бергин.

— Қанақа ариза?

— Мен билан курашмоқчи эканлигинг тўғрисидаги одатдаги ариза.

Шер ариза ёзди.

— Бунинг маркаси қани? — сўради одам. Икки шерга баҳоси тенг бўлган гербли марка ёпиштир.

Шер гербли марка ёпиштирди.

— Паспортингни кўрсат, — деди одам.

— Қанақа паспорт? Мен шерман-ку, ахир, кўрмаяпсанми? — ўкирди ҳайвонлар шоҳи.

— Бу ерда сенга ўхшаш ҳар қанақаси юрибди. Паспортингни келтир. Кимлигингни билай-чи.

Шер чопганича милицияга бориб, ниятини, гап нимада эканлигини тушунтиради. Уларнинг раҳми келиб, шерга паспорт ёзиб беришди.

— Медицина справкасичи? — сўради одам.

— Отдайман, соппа-соғман! — инжиқлашди шер.

— Шундай деб ўйлайсанми, — деди одам. — Бунақаларнинг кўпини кўрганмиз. Отдайман, деб аввалига керилганлар, охирида жуфтакни ростлаб қочганлар!

Шер чопганича поликлиникага борди. Ўн саккиз врач қабулида бўлиб, медицина справкаси олиб келди.

Одам ундан жарима солиғи тўлаш учун справка талаб қилди. Шер келтириб берди.

Одам ундан судланмаганлиги ҳақида справка талаб қилди. Шер келтириб берди.

Одам ундан маоши ҳақида справка талаб қилди. Шер келтириб берди.

Одам ундан маълумоти ҳақида справка талаб қилди. Шер келтириб берди.

Одам ундан эмланганлиги ҳақида справка талаб қилди. Шер келтириб берди.

Одам ундан касаба союз бадалини тўлаганлиги ҳақида справка талаб қилди. Шер келтириб берди.

Одам ундан талаб қилаверди... Шер келтириб бераверди...

Ниҳоят барча ҳужжатлар тайёр бўлди.

— Хўш, энди курашамизми? — зўрга, мадори кетиб сўради, шер. Унинг кўзларида одам «йўқ» деб рад жавоби берармикан деган умид учқунлари милтилларди.

Одам шерга бошдан-оёқ синовчан назар ташлади.

— Сен билан курашмоқ учун шу ишларни қиляпман! — деди одам қатъий ва яна қанақадир справка талаб қилмоқчи эди, шер чидаб туролмасдан орқасига қарамай қочиб қолди.

Русчадан Назрулла ШОДИЕВ таржимаси.

ЭРТАГА „ЗАНГОРИ ЭКРАН“ДА

16 ИЮНЬ — ЯКШАНБА СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.25 Кўрсатувлар программаси. 9.30 Янгиликлар. 9.40 **Бугун — СССР Олий Советига сайловлар куни.** 10.10 Сайловчилар учун концерт. **Москва кўрсатади.** 11.00 Кўрсатувлар программаси. 11.05 Янгиликлар. 11.10 Рангли телевидение. Ўқувчилар учун. «Будильник». 11.40 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.40 Рангли телевидение. Адабий асарларни экранлаштириш. «Қизил елканлар». Бадиий фильм. 14.05 Рангли телевидение. Қишлоқ янгиликлари. 15.05 Рангли телевидение. «Шчелкунчик». Мультфильм. 15.30 Рангли телевидение. «Мусиқа жавони». 16.00 Телевизион музикали фильм премьераси. **Тошкент кўрсатади.** 17.05 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 17.10 Болалар учун мультфильм. 17.20 «Кичкинтой» программаси. 17.50 «Бугун — Медицина ходимлари куни» (ўзбек тилида). 18.10 Рангли телевидение. «Алаш» Фильм-концерт. 18.50 «Ахборот» информацион программаси. **Москва кўрсатади.** 19.05 Халқаро панорама. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 19.30 «Ахборот» информацион программаси. 19.50 Рангли телевидение. Лирика кечаси. **Москва кўрсатади.** 20.30 Рангли телевидение. Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Польша — Аргентина терма командалари, ГФРдан олиб кўрсатилади. 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 Бугун — Умумхалқ байрами (ўзбек тилида).

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўқув программаси. Абитуриентлар учун: Узбек тилида: 10.00 Математика. 11.00 Физика. 12.00 Биология. 12.30 Адабиёт. 13.00 Математика (рус тилида). 14.00 Химия. 15.00 «Ким бўлсам экан?». **Москва кўрсатади.** 17.05 Рангли телевидение. Ўқувчилар учун. «Ёшлар ижоди». Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 17.55 Янгиликлар. 18.05 Рангли телевидение. Красноярск «Сибирь» давлат рақс ансамблининг концерти. 18.45 Рангли телевидение. Акробатика бўйича жаҳон чемпионати. Кўрсатув В. И. Ленин номли Марказий стадион спорт саройидан олиб кўрсатилади. **Тошкент кўрсатади.** 19.05 Киноэкран янгиликлари. Реклама (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 19.30 Рангли телевидение. «Киносаёҳатчилар клуби». **Тошкент кўрсатади.** 20.30 «Уфқ». Бадиий фильм (рус тилида). 21.45 Ҳужжатли фильмлар экрани (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 22.30 Кинопанорама. 24.00 Рангли телевидение. Совет композиторлари асарларидан концерт. 00.30 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. Фрунзе кўрсатади. 16.50 Кўрсатувлар программаси. 16.55 Экран — болаларга. 17.20 Киносаёҳатчилар клуби. 18.40 Реклама ва эълонлар. 18.50 Адабий кўрсатув. 19.20 Сайловчиларнинг талабларига мувофиқ концерт. 20.20 Ўш кўрсатади. 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Ғалла — бойлигимиз» Телефильм. 21.55 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

Реклама ва эълонлар

Кино

15 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Қумуш кўл хазинаси — «ЧАЙКА», «ВОСТОК», САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Сен билан ва сенсиз — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Ғирт ёлғончи — «КЎКЧА», «МИР», «ДРУЖБА» (кечқурун).

Шляпангни олиб, бўса ол! — «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Италиялиқларнинг Россиядаги ғалати саргузаштлари — БИЛИМЛАР УЙИ (17.00, 19.00).

ЕЗГИ БИНОДА

Кумуш кўл хазинаси — «ФЕСТИВАЛЬ».

16 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Кумуш кўл ҳазинаси — «ЧАЙКА», «ВОСТОК», САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Сен билан ва сенсиз — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Ғирт ёлғончи — «КЎКЧА», «МИР», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Шляпангни олиб, бўса ол! — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Италиялиқларнинг Россиядаги ғалати саргузаштлари — БИЛИМЛАР УЙИ (13.00, 15.00, 17.00, 19.00).

ЕЗГИ БИНОДА

Кумуш кўл хазинаси — «ФЕСТИВАЛЬ».

ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИГА

Узбек ва рус тилларини биладиган олий маълумотли (журналистика ёки филология факультетларини тугатган) **инспектор**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, 2-қават; 133—135-хоналар.

Тошкент шаҳар Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг

«ФОТОРЕКЛАМА» КОМБИНАТИ

ҲАР ХИЛ ҲУЖЖАТЛАРГА ФОТОСУРАТ ОЛИШ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН

«ФОТОСТУДИЯ» ТАШКИЛ ҚИЛДИ

«ФОТОСТУДИЯ»даги бешта павильонларнинг ҳаммаси янги ускуналар ва аппаратлар билан жиҳозланган.

Студиянинг юқори малакали фотографлари, махсус ва бошқа турли ҳужжатларга сифатли фотосурат ишлаб берадилар.

Иш вақти эрталаб соат 8 дан кеч 10 гача (дам олиш кунисиз ва тушки танаффуссиз) қилиб белгиланганлиги аҳолига ўзлари учун қулай бўлган вақтда студия хизматидан фойдаланишларига имкон беради.

Мурожаат учун адрес: Энгельс кўчаси, 1-уй.

ЯҚИНДА ИШГА ТУШИРИЛГАН

«ТОШКЕНТ» РАНГЛИ ФОТОСТУДИЯСИДА

(Луначарский шоссеси, 105 «а»-уй)

ҚОРА-ОҚ ФОТОСУРАТЛАР ИШЛАБ БЕРАДИГАН

ПАВИЛЬОН ОЧИЛДИ

Павильонда бадиий группавой суратлар, ҳамда фотовиньетка ва фотоальбомлар тайёрлаб беришга

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

ШУНИНГДЕК СИЗ РАНГЛИ ФОТОСУРАТ ҲАМ ИШЛАТИШИНГИЗ МУМКИН.

Юқоридаги фотостудияларда ойнали металл рамкаларда ва «Палех» фотосида фотопортретлар ишлаб бериш учун буюртмалар қабул қилинади.

ФОТОСТУДИЯЛАРГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!



15-шаҳар касалхонасида беморларга намунали медицина хизмати кўрсатиляпти. Медицина фанлари докторн, таниқли ўзбек профессори Карим Йўлдошев раҳбарлигидаги биринчи терапия клиникасида мураккаб радио-электрон аппаратлардан ҳам моҳирлик билан фойдаланилмоқда. Шу терапия истаклар дафтарини варақласангиз, беморларнинг миннатдорчилик тўла қалб сўзлари билан танишасиз. Ушбу суратда: медицина фанлари кандидати М. Я. Куклинский (ўртада) интенсив терапия палатасида медицина ҳамширалари, врачлар, студентлар билан машғулот ўтказмоқда.

Ю. Бутусов фотоси.

ТАШАККУР

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Мана, бир неча кундирки, биз Ўзбекистон соғлиқни сақлаш министрлигининг клиник касалхонасида (бош врач медицина фанлари кандидати Ш. Раҳимов) даволанаётгирмиз. Касалхона ходимлари беморларга самимий ва ширинсуханлик билан муносабатда бўладилар; улар дори-дармонлар билангина эмас, ўзларининг қалб ҳароратлари, дилкаш ва дилбар сўзлари билан ҳам дардимизга малҳам бўлиб, кўнглимизни хуш, табъимизни равшан, руҳимизни тетик қиладилар. Буни биз, айниқса, терапия бўлими шифокорлари Амина Жамолитдинова, Жўрахўжа Хўжаев, Шокир Зуфаров, Мўътабар Алимуҳамедова, Олег Ковригин ва бошқалар симосида яққол ҳис этдик. Биз медицина ходимлари куни муносабати билан халқимиз соғлиғи йўлида жон куйдираётган шифокорларга бу хайрли ва шарафли ишда янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Шорасул ЗУННУН, шарқшунос,

Ҳамиджон ҲОМИДОВ, адабиётшунос.

Шифокорларни шарафлаб

Шаҳримиз шифокорлари ҳар йили ўз байрамларини катта кўтаринки руҳда нишонлайдилар. Байрам арафасида завод-фабрикаларда, ишлаб чиқариш корхоналарида ва маданият уйларида шифокорлар шарафига бағишлаб учрашувлар, анжуманлар ўтказилди.

Худди шундай қизиқарли учрашув Сергели район ижроия комитети биносида бўлди.

Медицина ходимларн кунига бағишланган кечани Сергели район ижроия комитети раиси С. Раҳимов очди. Шундан сўнг шаҳар «Билим» жамияти аъзоси, медицина фанлари доктори М. Ризаев «Ўзбекистонда медицинанинг тараққиёти» ҳақида гапирди. Шундан сўнг, кўплаб илғор, намунали шифокорларга район ижроия комитетининг фахрий ёрлиғи топширилди.

ЎҒИЛЛАР УЧРАШИШГА КЎМАКЛАШДИЛАР

Ромитон районидаги Янгибозор қишлоғи аҳолиси дурадгор Деҳқон Аминов хонадонидаги оилавий тантана шоҳиди бўлдилар. Деҳқонбойнинг уйига унинг акаси Абдураҳмон меҳмон бўлиб келди. Ака—ука 33 йил мобайнида энди биринчи марта дийдор кўришдилар.

...1940 йил ёз фаслидаги кунларнинг бирида армияга бир қанча ўспиринлар жўнатилди. Шу йигитлар орасида Абдураҳмон ҳам бор эди. Орадан бир йил ўтгач уруш бошланиб кетди. Абдураҳмон мардона жанг қилди. У Псков атрофида бўлган жангларидан бирида оғир жароҳатланиб, кўп ойлар мобайнида госпиталда ётиб қолди. Абдураҳмон уйга бир неча марта хат жўнатган бўлса ҳам; лекин Шофиркон районидаги Пермаст қишлоғидан бирдек «хат эгаси кетиб қолган» деган жавоб келаверди. Кейинчалик маълум бўлишича. Абдураҳмоннинг туғишганлари бошқа районга кўчиб кетишган экан.

Абдураҳмон уйланиб Ставрополда қолди, шу ердаги Летняя Ставка қишлоғида яшади. Ҳозир унинг олтита фарзанди бор. Деҳқон ҳам уруш бошланган дастлабки кунлардаёқ фронтга жўнаб кетди. Армиядан қайтиб келгач акасини у ҳам қидира бошлади. Лекин қидириб топиш учун бўлган уринишлари бехуда кетаверди.

...Яқинда ҳарбий қисмлардан бирида ҳарбийга янги чақирилган солдатларнинг рўйхати ўқиларди. «Аминов» деган фамилия айтилганида бир-бирига чеҳраси ўхшаб кетадиган икки йигит сафдан чиққанида командир жуда ҳайрон бўлиб қолди. Шундан кейин улар танишиб кетдилар.

—Бухоролик Жўра Аминов бўламан, —деди улардан бири.

—Мен ставрополлик Иброҳим Аминовман, лекин отам асли бухоролик бўлади, — деди иккинчи йигит.

Орадан бир оз вақт ўтгач уларнинг оталари бир-бирларига хат юборишди. Шундай қилиб оталарнинг фарзандлари ўз дадаларининг оғир ҳижрондан кейин учрашишларига кўмаклашдилар.

А. ФОЗИЛОВ. ЎзТАГ мухбири.

Бухоро.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

◆ ФУТБОЛ

ЧЕМПИОНАТ ЎЙИНЛАРИ — „ЗАНГОРИ ЭКРАН“ДА

Шу кеча-кундузда Германия Федератив Республикаси пойтахти — Мюнхеннинг барча футбол майдонлари жаҳон чемпионати иштирокчилари ихтиёрига топширилди.

Ўтган куни Франкфурт— на —Майне стадиони одамлар билан лиқ тўлди. Бу ерда футбол бўйича жаҳон биринчилигининг ўнинчи тур финал ўйинлари бошланди. Майдонга биринчи бўлиб тушган Бразилия ва Югославия терма командалари ўртасида бўлиб ўтган ўйинни томошабинлар зўр қизиқиш билан кузатиб бордилар.

Маълумки, бу йилги чемпионатда 16 мамлакатнинг миллий терма командаси тўрт группага бўлинган ҳолда мусобақа ўтказадилар. Улар қуйидагича:

Биринчи группа: Чили, Германия Федератив Республикаси, Германия Демократик Республикаси ва Австралия.

Иккинчи группа: Югославия, Бразилия, Зоир ва Шотландия.

Учинчи группа: Нидерландия, Уругвай, Швеция ва Болгария.

Тўртинчи группа: Италия, Гаити, Польша ва Аргентина.

Бугун иттифоқимизнинг минглаб футбол ишқибозлари «зангори экран»да Польша ва Аргентина терма командаларнинг беллашувини томоша қиладилар. Ўйин Штутгарт орқали трансляция қилинади.

Хўш, футбол ишқибозлари чемпионат ўйинларида қатнашадиган яна қайси командаларнинг учрашувини кўришга муваффақ бўладилар? Бу савол футбол мухлисларини ниҳоятда қизиқтираяпти.

Ишқибозлар 18-июнда Шотландия — Бразилия терма командалари учрашуви, 19-июнда эса Уругвай— Болгария, 22-июнда Гамбургда ўтказиладиган ГФР ва ГДР, 23-июнда Польша —Италия терма командаларининг учрашувларини телевизор орқали томоша қилиш шарафига муяссар бўладилар.

Финал учрашуви эса еттинчи июлда ўтказилади. Футбол ишқибозлари бу ўйинни ҳам телевизор орқали томоша қиладилар.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ШАХМАТ. Жаҳон шахмат Олимпиадаси қатнашчилари ўзларининг бешинчи тур учрашувларини ўтказишди. Ницца шаҳрида давом этаётган шахмат мусобақаларида мамлакатимиз гроссмейстерлари польшаликларни 2,5:0,5 ҳисобида енгишди.

Саралаш матчининг иккинчи ярми бошланиши олдидан СССР терма командаси умумкоманда ҳисобида 18 очко билан ўз группасида пешқадамлик қилмоқда.

Бошқа группаларда АҚШ ва Канада (иккинчи группа), Финляндия, Куба ва Югославия (учинчи группа), Венгрия (тўртинчи группа), Германия Федератив Республикаси (бешинчи группа), Чехословакия ва Норвегия (олтинчи группа), Болгария (еттинчи группа), Аргентина ва Австрия (саккизинчи группа) терма командалари пешқадамлик қилишмоқда.

* * *

БОКС. Европа биринчилиги учун ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган бокс мусобақаларида андижонлик Феликс Пак иккинчи ўринни эгаллаб кумуш медаль билан тақдирланди.

Кубанинг Камагуэй шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда эса тошкентлик Руфат Рисқиев турнир ғолиби бўлиб, олий мукофот—олтин медаль билан тақдирланди. У бунга финал учрашувида кубалик А. Монтойини енгиб эришди.

Халқаро турнирда мамлакатимиз спортчилари бундан ташқари яна иккита кумуш ва иккита бронза медали эгаси бўлишди.

СУРАТДА: Тошкентдаги олий спорт мактабининг талабаси Иброҳим Йўлдошев. У Молдавияда бўладиган от спорти бўйича СССР биринчилиги мусобақаларига қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ

18 ИЮНДАН 25 ИЮНГАЧА

учинчи қаватда

ТОШКЕНТ ФАБРИКАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЧАРМ-ГАЛАНТЕРЕЯ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ

САВДО-КУРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗАДИ

САВДО-КУРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

РЕСПУБЛИКА «БИЛИМЛАР УЙИ» (Киров кўчаси, 24-уй)

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРУВЧИЛАР УЧУН ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ЛЕКЦИЯЛАР

ЎТКАЗАДИ

1 поток

17 ИЮНДАН 5 ИЮЛГАЧА МАТЕМАТИКА, ФИЗИКА.

II поток

6 ИЮЛДАН 30 ИЮЛГАЧА ФИЗИКА, АДАБИЁТ, СССР ТАРИХИ, ХИМИЯ.

Математикадан 1 июлдан 30 июлгача ўтказилади.

АБОНЕМЕНТЛАР ҲАР КУНИ ЭРТАЛАБ СОАТ 11 ДАН КЕЧ 7 ГАЧА СОТИЛАДИ.

Редактор С. М. ҚАРОМАТОВ.

Тошкент оқшоми 4 бет. 15 ИЮНЬ, 1974 й.

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ГОРКОМА КП УЗБЕКИСТАНА И ТАШГОРСОВЕТА

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, ДЗЕРЖИНСКИЙ КУЧАСИ, 15-УЙ.

Р — 10579. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр А—3141.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор — 33-02.49 дан 33.02-58 гача, Эълонлар бўлими — 33.81-42.